Mustaqil gazeta
HURRIYAT
№42 (246)
2001-yil
31-oktabr
— 6-noyabr
1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan
Har chorshanba kuni chop etiladi

Маънавият

МИЛЛИЙ МАФКУРА: ТАРҒИБОТ МЕХАНИЗМИ

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи бугун миллий мафкурамизнинг, таъбир жоиз бўлса, бош йўналишларини белгилаб берган энг муҳим манба ҳисобланади. Бироқ, дастурий табиатига кўра, унда асосий тушунча ва тамойиллар аксаран тезислар тарзида баён қилинган.

Техника фанлари бўйича бир йирик олим сиёсатшунос ҳамкасбига: «Бу рисолани эринмай икки карра ўқиб чиқдим, ҳеч кимга айтмасангиз, очиғини тан оламан: тўла тушуниб етолмадим. Хўш, талаба қандай тушунсин?» - деди.

«Қуръон» ва ҳадисни тафсирсиз ўқиб, тўла тушуниш мумкин бўлмагани каби, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмун-моҳияти ҳам ўқувчи-талабаларга, кенг оммага махсус тушунтирилиши, аҳоли ўртасида тарғиб ва ташвиқ этилиши шарт.

Негаки башарият тарихида у ё бу муддат яшай олган ҳар қандай мафкура жамият ўртасида тарғиб ва ташвиқ билан шуғулланган. ҳатто, баъзан унинг кучи ҳам ғояларининг бунёдкорлик ё вайронкорликка қаратилгани, эзгулик ё ёвузликни тарғиб этгани, прогрессив (мусбат) ё регрессив (манфий) аҳамиятга эга эканига эмас, аксинча, кўпроқ айнан ана шу тарғиб ва ташвиқнинг қай даражада амалга оширилганига боғлиқ бўлган.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи, ҳеч шак-шубҳасиз, моҳият эътибори билан бунёдкорликка йўналтирилган. У жамиятни тараққиётга ундайди. Унда эзгу ғоялар мужассам. Унинг куч-қудрати шунда.

Бироқ энди бу куч-қудрат бевосита мамлакат фуқаролари қалби ва онг-тафаккурига нечоғли сингганн, одамларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, ҳаётга, меҳнатга, яратишга муносабати, шахс манфаатлари билан жамият манфаатларини қанчалар уйғунлаштира олганидан келиб чиқиб намоён бўлади.

Бунга эришиш учун миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш механизми ишлаб туриши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январида имзоланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойишида, бу зарур ишнинг аҳамияти қайд этилиши билан бирга, бунинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унга кўра, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида махсус дастур асосида ўқитилади. Лекин бу рисола мазмун-моҳиятини тарғиб этишнинг бир жабҳаси, холос. Чунки

(Давоми 2-бетда)

Шавкат АКРОМОВ фотоси



— Ризқинг бутун бўлсин, болам!

Дунё

БУРУНДИ: ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

Жанубий Африка қўшинларининг биринчи контингенти Бурундига етиб келди. Қўшинларни киритишдан асосий мақсад хуту ва тутси қабилаларига мансуб сиёсатчилардан янги ҳукумат тузиш ва аъзоларни ҳимоя қилишдир. Хуту сиёсатчилари чет эл қўшинларига қарши чиқмоқда. Тутси сиёсатчилари эса ҳукумат барпо этишда холис ҳимоя кучлари кераклигини таъкидлашмоқда.

Ҳукуматда кўпчиликни ташкил этувчи тутси ва хуту исёнчилари ўртасидаги фуқаролар уруши 1993 йилдан буён давом этмоқда. Янги ҳукумат 1 ноябргача тузилиши лозим. Хуту исёнчиларининг муваққат ҳукумат тузишдан бош тортиши Бурундида уруш ҳали бери тугамаслигидан далолат беради.

ФИЛИППИН: БОМБА ПОРТЛАДИ

Филиппиннинг Замбоанга шаҳридаги магазинлардан бирида бомба портлаши натижасида 11 киши ҳалок бўлди, 50 нафари жароҳатланди. Филиппин ҳукумати аъзолари мусулмон айирмачиларини портлатишда гумон қилмоқда. Бомба Абу Саййоф гуруҳи томонидан магазинга қўйиб кетилган бўлиши мумкинлиги тахмини ҳам бор.

ЮГОСЛАВИЯ: МИЛОШЕВИЧ ТРИБУНАЛГА ЧАҚИРИЛДИ

Ҳафта бошида Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич БМТнинг Гаага шаҳридаги трибуналга учинчи маротаба чақирилди.

Биринчи маротаба омма олдида Косово уруши ва 1991-95 йиллардаги Кроациядаги уруш учун Милошевичга қарши айблов ўқилди.

Югослав президенти трибунални ҳам, судьяларни ҳам тан олмаслигини айтди. Унинг фикрича, ҳарбий трибунал ноқонуний бўлиб, гўё у НАТОнинг Югославиядаги жиноятларини оқлаш учунгина тузилган.

Би-Би-Си хабарлари асосида
Дилнора АЗИМОВА тайёрлади.

Муносабат

ХУДОЖЎЙЛИК ДАЪВОСИДАГИ ХУДОСИЗЛИК

Ўтган XX асрнинг энг катта яраларидан бири "...изм"лар эди. Бу асрни айнан мана шу "... изм"лар қаритди. Лекин улар ҳеч кимга ўзлари ваъда қилган бахтни бермади. Аксинча, нацизм миллионлаб одамларни бошини еди. Социализм "тенглик" ниқоби остида ҳақиқий халқлар турмахонасига айланди. Коммунизм эса қарийб етмиш йил бахтли келажак ваъда қилиб, оқибатда ўзининг сароблиги аён бўлди. Фақат бизнинг кимларгадир олти миллион тонналаб пахта териб берганимиз ва улкан йўқотишларимиз қолди, холос.

Инсоният ана шу алфозда "... изм"лар ботқоғидан чиқди. Энди нафасини ростлаган эди... Таассуфки, унинг XXI асрдаги илк қадами яна бир "... изм" тўфонига келиб тушди. Бу тўфон — терроризмдир.

Терроризм бошқа қариндош "... изм"ларидан кўлами жиҳатдан кенгроқ ва хавфлироқдир. Чунки мозийга дунган аср "... изм"лари билвосита ҳаракатда бўлган бўлса, терроризм бевосита ҳаракатдадир. Лекин бу "... изм"ларнинг бири-бирига ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, улар инсон эътиқодини махв қилиб олтин сароб ваъда этишда муштаракдирлар.

Ўтган аср "... изм"лари илоҳиётни инкор этди. Инсониятга ўзини "Худо ҳам, Пайғамбар ҳам ўзимман", деб таништирди. Кейинчалик ана шу номига муносиб саъй-ҳаракат бошлади. Бу фаолият қандай оқибат билан интиҳо топгани ўзингизга аён. Бугунги терроризм эса, аксинча, художўйликни даъво қилган ҳаракатдир. Бу фаолиятнинг оқибати нималарга олиб келаётгани ҳам ўзингизга аён. Хулоса шуки, XX аср "... изм"лари Худони инкор қилган худосизликдир. Бугунги терроризм эса художўйликни даъво қилган худосизликдир.

Бу дунёда иккита бир хил фикрлайдиган одамни учратиш душвор. Лекин иккита бир хил фикрламайдиган одамни топиш осон. Бугунги кун терроризми айнан ана шу бир хил — фикрламайдиган одамлар жамоасидан ташкил топган. Яъни, бугунги ақидапараст террорчи миллионлар ичидан сархиллаб олинган қуллардир. Бу қулларнинг бор айби — фикрламайди. Бу ҳолатни адабиётчилар "манқурт" деб изоҳлайдилар. Манқуртлик — хотирасизликдир. Лекин уларнинг манқуртдан бироз фарқли жиҳатлари бор. Уларда хотира бор, лекин бу хотира хотирасизлик каби даҳшатлидир. Ўзига хос фикри бор, лекин бу фикр фикрсизлик каби аянчлидир. Бу хил фикрсизлик — ҳеч нарсани билмаган кишининг ҳамма нарсани инкор қилиш ҳолатидир. Бу хил фикрсизлик — радикализмдир.

Аслида инсон билан тўрт оёқли махлуқотнинг ўртасидаги тафовут ҳам уларнинг фикрлай олиш қобилиятида холос. Айниқса, бугунги кунда замон эврилишларини фикрий илғаб ололмаган киши янгиланишлар "оёғи остида" қолиб кетмоқда. Бундай мавжудотдан эса ҳар қандай куч истаган шаклидаги қуролни ясаб олиши мумкин. Худди шу маънода айтиш мумкинки, терроризм жаҳолатнинг қуролидир. Бугунги жаҳолат — дунёга бешинчи аср ҳижоби ортидан мўралаётган фикрдир.

Бугун терроризмга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланган. Аслида ҳар қандай уруш инсониятнинг ютқизиғидир. Лекин шу кунларда Афғон юртида бошланган можаролар замирида бошқа бир ютқизиқнинг шарпалари ҳам кезиб юргандек. Бу ҳам бўлса муқаддас дин номидан бошқаларга фатво бериш ва қўлига қурол олиш ҳолатидир. Биз бугун нақадар аччиқ бўлмасин бир ҳақиқатни тан олишга маҳкуммиз. Асосан бугунги терроризм муқаддас Ислом дини танасидан чиққан чипқондир. Ваҳоланки, ҳар қандай дин жаҳолатга қарши реакциядир. Ислом дини ҳам ана шундай реакциялардан биридир. У ҳам адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига мухолиф. Шундай экан, ҳамма замонларда ҳақ билан ботил ўртасида бўлиб келган Ислом дини бу сафар ҳам ўз адолатини намоён қилиши шубҳасиздир. Яъни, Ислом дини деб озода либосларга ўралган манфаатларнинг кирдикорлари фош бўлиши тайин. Бугун терроризмга қарши бошланган ҳарбий ҳаракатлар том маънода ана шундай ғайриисломий ва ғайриинсоний ғояларга барҳам беришга қаратилган.

Аслида ҳеч қандай ғоя осмондан тушмайди. У ерда пайдо бўлади. Ердан униб чиқаётган ҳар қандай гиёҳ нимадандир озиқлангани каби, ҳар қандай ғоя ҳам нимадандир озиқланади. Бугун ана шу ғайриинсоний ғояларни "озиқлантираётган" манбаларни топиш мавриди келди. Шундай экан, ўзини Ислом динидек озода либосларга ўраётган терроризм балосига ҳар томонлама зарба беришимиз ва бу ишда барча фуқароларимиз қаторида, айниқса, диншунос олимларимиз, уламоларимиз кўпроқ жонбозлик кўрсатишлари лозим бўлади.

Алишер НАЗАР

> **ИҚТИБОС**
>
> **Колин Пауэлл, АҚШ давлат котиби:**
>
> — Биз хавф-хатарсиз яшай бошлаганимиздагина ғалаба қозонган ҳисобланамиз. Ана ўшанда биз бошқа давлатларга ҳам террористлар хуружидан сақланишида ёрдам бера оламиз. Шундагина ўзимизни ютуққа эришган деб биламиз.

Янгилик

МЕТРО: УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ САЙРИ

Ниҳоят, 24 ёшдаги Тошкент метросининг учинчи "Юнусобод" йўналиши бўйлаб поездлар қатнай бошлади. Транспорт хизмати кўрсатишда ҳозирча ечимини кутаётган муаммо кўп эмасми, тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари уни орзиқиб кутишганди. Трамвай, троллейбусларнинг тўхтаб қолаверишидан, автобусларнинг қатнов жадвалини бузаверишидан ранжиган йўловчи учун метро жоннинг роҳати-да, ўзиям! Хуллас денг, шунга ўхшаш хаёллар билан эрта билан атайин янги йўналиш бекатларини айланиб чиқдим. Эски йўналишлардаги поездларнинг ўқдек учишига қиёслаганда янги поездларнинг ошиқмайгина оёғини "қиздира" бошлагани ҳам ёқар экан, кишига.

Янги йўналиш бекатлари бошқаларига нисбатан шифти баланд, кенг, фақат 1-ўтиш жойининг йўлакларида бўйчанроқ йўловчилар андак бошини эгиброқ ўтишига тўғри келади, холос. Шунингдек, бошқа йўналишларда бўлганидек бекатлардан қайси кўчага чиқиш кўрсаткичларини ёзишга улгуришмабди. Метро поездидан тушган йўловчи йўлакнинг қай томонига бурилишини билмай тайсалланса, зумда издиҳом тўпланиши ҳеч гап эмас. Кези келганда айтмоқчиманки, иккинчи йўналиш фойдаланишга топширилганига неча йил бўлибди ҳамки, "Ғафур Ғулом" бекати деворига битилган "Ғофур Ғулом" ёзувидаги биттагина ҳарф шу чоққача тузатилмайди, чиқиш йўлларида осилган ахборот панноларидаги хатолар ҳам талайгина. Демак, метро бекатидаги ёзувларни бошланишиданоқ тўғри ва саводли ёзган маъқул. Қолаверса, бекатнинг номига, нима сабабдан шундай аталишига, меъморларию рассомларининг кимлигига изоҳ бериб қўйилса чакки бўлмасди.

Ҳабибулла АБДУЛМАЖИД

Обуна — 2002

ЖУРНАЛИСТЛАР ЖУРНАЛИ



"ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ" журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Журнал Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади.

"Меҳнатимизнинг юксак эътирофи" дея номланган саҳифада мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан тақдирланган ОАВ ходимларининг рўйхати берилган.

Нарзулла Жўраевнинг "Истиқлол эпкини ва сўз эркинлиги" мақоласида мустақиллик туфайли жамиятимизда ҳуррият, ҳур фикр, миллий манфаатлар ва миллий равнақ сари кенг йўл очилганлиги таъкидланган.

"Ўзбекистон матбуоти" йўқламасида навбат ўзининг 10 йиллигини нишонлаётган "Оила ва жамият" газетаси ижодкорларига берилган. Истиқлол тенгдоши бўлган бу газета саҳифаларидан жамиятимиз тараққиётида оиланинг ўрни, боқий қадрият ва анъаналаримиз асосида оила аъзолари ўртасида маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш, келажагимиз ворислари — фарзандларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, турмушимизда учраб турадиган иллатларни фош этиб, инсонларни эзгуликка чорлаш сингари кўплаб мавзулар салмоқли ўринни эгалламоқда.

Журнал йўқламасида сўз навбати "Фан ва турмуш" журнали ходимларига берилади.

"ТУРКИСТОН МАТБААЧИСИ" номи билан бундан 83 йил муқаддам дунё юзини кўрган "Ўзбекистон матбуоти" журнали мустақил мамлакатимизнинг қалам соҳиблари, телерадио журналистлари, ноширлари, матбаачилари, китоб савдоси ходимларига, шу кунларда таълим олаётган бўлажак журналистлар ва матбаачиларга, шунингдек, таҳририятларнинг энг яқин кўмакдошлари — жамоатчи мухбирларга мўлжалланган ягона нашрдир.

Журнал тарихи ҳур диёримизнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Давр вазифаларидан келиб чиқиб нашрнинг номи бир неча бор ўзгарган бўлса ҳам, у асосий мавзу — журналистикамиз, нашриётларимиз, матбаачилигимиз, телерадио хизмати, жамоатчи мухбирлар ҳаракати тараққиёти билан боғлиқ мавзуларни изчиллик билан ёритиб келмоқда.

Журналнинг даврий нашрлар қаторида ўз ўрни, ўз мундарижаси, ўз мавқеи бор. Унинг саҳифаларида газета-журналлар таҳририятлари, телерадио журналистлари, ношир ва матбаачиларнинг, китоб савдоси ходимларининг қувончу ташвишлари, ўй-мақсадлари, бўлажак журналист ва матбаачиларнинг орзу-истаклари, жамоатчи мухбирларнинг хат-хабарлари, ҳаваскор ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари чоп этилаётир. "Муҳаррир минбари", "Нашриёт. Матбаачилик", "Телевидение. Радио", "Китоб савдоси", "Бархаёт сиймолар", "Фахрийлар — фахримиз", "Матбуотимиз фидойилари", "Сўз — жамоатчи мухбирларга", "Очиқ ва аччиқ гаплар", "Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз", "Матбаамиз жонкуярлари" унинг доимий рукнларидир.

Мамлакатимиз ижодкорларининг истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлаш, миллий мафкурани шакллантиришга доир таклиф ва мулоҳазаларига, дил сўзларига журнал саҳифаларидан кенг ўрин берилади. Оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, журналист кадрларни тарбиялаш сингари муҳим мавзулар атрофлича ёритилади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти шароитида қаламкашлар, нашриёт-матбаа ходимлари дуч келаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари "Матбуот ва бозор иқтисодиёти", "Бизнинг мусоҳаба", "Нуқтаи назар", "Матбуот шарҳи" каби рукнларда қизғин муҳокама қилинади.

Бўлажак журналистлар учун "Савол-жавоб", "Бугунги талаба — эртага журналист" рукнлари остида чиқишлар уюштирилмоқда.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон матбуоти ва матбааси тарихи, журналистикамиз тамал тошини қўйган фидойи ва забардаст қалам соҳиблари ҳаёти ҳамда ижодига оид туркум мақолалар бериляпти.

Республикамиз қаламкашларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик риштлари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги мавзуидаги мақолалар "Ўзбекистон ва жаҳон", "Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида", "Журналист хориж сафаридан қайтди" рукнлари остида бериб бориляпти. "Замонавий ёдномалар", "Бир сурат тарихи" мавзуида ранг-баранг хотиралар ва эсдаликлар ёритилмоқда.

Азиз ҳамкасблар — матбуотимиз мухлислари, журналимизнинг энг яқин кўмакдошлари бўлмиш журналист ва матбаачи касбини эгаллаётган талабалар, жамоатчи мухбирлар! Айни кунларда матбуот ходимлари ва мухлисларининг доимий йўлдоши ва содиқ ҳамроҳи, маслаҳатгўйи — "Ўзбекистон матбуоти" журналига 2002 йил учун обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. Журналнинг обуна баҳоси бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. Жумладан, Тошкент шаҳрида журналнинг бир йиллик обуна баҳоси — журнал алоқа бўлимига етказиб бериладиган бўлса — 1020 сўмни, уйингизга етказиб бериладиган бўлса — 1140 сўмни ташкил этади. Вилоятларда обуна баҳоси вилоят матбуот тарқатувчиларининг имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган.

Журналимиз индекси — 883.

Журнални йил бўйи канда қилмай ўқиб бораман десангиз, унга ўз вақтида обуна бўлинг.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ,
Журнал бош муҳаррирининг ўринбосари

Эътибор

ЧЕГАРАГА БОРИБ ЁЗГАНИ ИШОНЧЛИ

"Ҳуррият"нинг 41-сонидаги "Афғонистон сари бир қадам" мақоласини ўқиб ўзимда йўқ қувондим.

"Бор экан-ку, ҳақиқат!" деб юбордим. Чегара тинч эканини билганимдан эмас (бунга ишончим комил), балки ўз ҳурматини билган журналистларимиз ҳам борлигидан!

Ростини айтсам, мухбирларимиз ниҳоятда муҳим ва долзарб мавзуларни кишиларимиз онгига етказмагунича қўйишмайди. Бироқ...

Йирик ҳарбий ҳаракатлар юз бераётган жойлардан оператив ахборот олиш эҳтиёжи ниҳоятда кучаяди одамларда, бунинг фарқига бориш учун журналистикадан профессор бўлиш шарт ҳам эмас. Мисол учун хорижий ОАВ бу борада, яъни мухбирларини керакли жойларга юбориб ҳар дақиқада энг сўнгги маълумотларни етказиб туриш тажрибасини эгаллашган. Бизда-чи?

Бизнинг журналистлар (албатта, ҳаммаси эмас) бундай вазиятларда ўзларига хос услубга одатланишган: улар "ўтирган" жойларидан нари бормай ахборот беришади. Тўғри, мен ҳам мамлакатимиз фуқароси сифатида айрим ажнабий журналистлар тарқатаётган бўлар-бўлмас хабарлардан тепа сочим тикка бўлди, аммо-лекин, ҳар қандай уйдирмаю бўҳтонга зарба беришнинг бирдан-бир йўли қуруқ фалсафа сўқиш эмас, аниқ ва тўғри фактларни келтиришдир! Мумкин қадар, воқеа юз бераётган жойнинг ўзидан хабар етказишдир!

Бахром Рўзимуҳаммаднинг мақоласи худди шу маънода эътиборга тушди десам муболаға бўлмас. Унда факт ва бир оз бадиийлик билан ўзига хос услубда чегарадаги вазият тасвирланган. Тасвирлаш ҳам шундай маҳорат билан амалга оширилганки, худди ўзингиз бориб келгандек бўласиз. Кўнглингиз тўлиб, хотиржам тортасиз. Ўша бўҳтон хабарлар замиридаги ёлғонларга ҳам ўзбекона лутф билан ойдинлик киритилган.

Газеталаримизда шу каби мақолалар кўпроқ босилишини жуда-жуда орзу қилиб қолдим.

Холис томошабин

Ҳуқуқ

ТАДБИРКОР ҚАРЗИНИ ҚАЙТАРДИ

ва... 5 йилга озодликдан маҳрум этилди!(?)

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист-ҳуқуқшунос

> ***«Одамзот қачон адолатга ишонади? Агар суд тизимида, милиция тизимида, прокуратура тизимида адолат бўлса — одамлар адолатга ишонади».***
>
> **Президент Ислом КАРИМОВнинг Тошкент шаҳар Кенгашининг 2 чақириқ VI сессиясидаги нутқидан.**

ҲА, худди шундай бўлди. Бор «жиноят» шуки, банкдан олинган кредит... кечикиб тўланган. Тўланган. Кечиккани учун фоизлари билан!.. Тадбиркор қандайдир илтимосними, шартними бажармагани учун ўчакишган терговчи жиноят иши қўзғатиб тергов олиб бораётган даврдаёқ кредит фоизлари билан тўланган. Вассалом. Бошқа ҳеч нима йўқ. Даъвогар ҳам йўқ. Бўлмаган ҳам. Бу «жиноят»ни терговчи «қидириб» топган ва сўнг у қўштирноқсиз ҳақиқий жиноят ишига айланган. 1998 йил 26 февралда бўлган суд тадбиркорни 8 йилга (?!) озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм ўқиди. Айбнинг даҳшатлилигини қаранг: «жиноятkорона тил бириктириб, ўзганинг мулкини талон-тарож қилиб»... ва ҳоказо.

Савол туғилади: «ўзга» ким ўзи? Муддаога кўчишдан аввал таҳририятга келган қуйидаги хатни ўқинг: «...Бизлар оилавий бўлиб сизга хат юборишимиздан мақсад дадамиз Абдуллаев Алмаматнинг ноҳақдан қамалиб чиққанлиги биз фарзандларининг қалбимизни ҳамон ўртаётганлигидир: наҳотки одамни бекордан-бекорга қамаб юборавериш мумкин бўлса? Бизлар Булунғур тумани, Улуғбек номли ширкат хўжалигидаги «Қора ариқ» маҳалласида яшаймиз. Оилада 5 фарзанд, ота-онамиз билан етти кишимиз. Дадамиз узоқ йиллар давомида вилоят миқёсидаги идораларда ишлаб, ҳурмат-иззатга сазовор бўлди. 1995 йилда Самарқанд шаҳрида хусусий фирма очиб, дурустгина ишларни бошлади. Даромадидан қишлоғимиздаги 2 та дала шийпонини таъмирлаб мактаб қуриб берди. Ҳозирги кунда 240 нафар ўқувчига 25 нафар ўқитувчи таълим бермоқда. Бизлар ҳам ушбу мактабнинг ўқувчиларимиз. Мактаб бобомиз Абдусамад Абдуллаев номига қўйилган, у киши қишлоғимизда 40 йил муаллимлик қилган Халқ маорифи аълочиси бўлган. Ундан ташқари, 7 ой мобайнида қишлоғимиздаги нафақахўр ва камбағал оилаларга бепул гўшт тарқатди. Газлаштириш ишларига бош-қош бўлди. Аълочи ўқувчиларга йил якунида стипендиялар берди. 1997 йил 28 октябрь куни бизнинг оиламиз учун оғир ва кутилмаган воқеа содир бўлди. Дадамиз эрталаб ишга кетганидан ўша куни уйга келмади. Иккинчи куни ҳам. Учинчи куни хабар келди. Қамалибди. Онам ва бизлар ҳеч нарсани тушунмасдик. Бутун қишлоғимиз одамлари ҳайрон. Нима учун? Бизлар дадамизга ишонар эдик жиноят қилмаганлигига. Ўзидан кичикларга ҳам салом бериб кўнглига йўл топа оладиган, эл оғзига тушган, ҳамма ҳурматлайдиган инсон сифатида танилганди. Дадамиз билан ғурурланар эдик. Кейин билишимизча, фирма ишини юргизиш учун банкдан 500 минг сўм (170 фоизли) кредит олган экан. Муддати ўтганлиги сабабли бир миллион юз минг сўмга яқин қилиб қарзни ортиғи билан тўлаган. Банк ва солиқ инспекцияси даъвогарлик қилган эмас. Самарқанд шаҳрида бир терговчи дадамизга «хизмат» буюрган, дадамиз Новосибирск шаҳрига қишлоғимизни газлаштириш учун газ қувурларига шартнома тузиш учун кетган. Келгандан сўнг «хизмат»ни бажармадинг деб устидан жиноий иш қўзғаган экан... (Орадаги гапларни бизларга тўлалигича айтмайди). Дадамиз қамоқдан анча саломатлигини йўқотиб қайтди. Қайта-қайта даволашлар натижасида соғлиғини бироз тиклади. Ҳозир Самарқанд шаҳрида яна ишни «ноль»дан бошлади. Дадамиз ёлғизликни хуш кўрадиган, ҳеч кимга ишонмайдиган, ёлғон ва ноҳақ сўзларга чидаш бера олмайдиган бўлиб қолган. Дадамиз «қамалган» деган тавқи-лаънатни бошидан соқит қилиш учун анча ҳаракат қилди. Ҳаммасига харажат керак бўлар экан. Буни қандай тушунсак бўлади? Биз ёшлар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида ҳаракатда бўлсагу, баъзи бир идора ходимлари эски СССР тузумидагидек... Ҳурматли бош муҳаррир, сизнинг газетангиз «мустақил» газета бўлганлиги сабабли бундай воқеа сабабларини ўрганиб, адолат йўлидаги «қурбон»ларни «тирилтириш»ларингизни сўраймиз. Биз оила аъзоларимиз Сиздан дадамизга ва биз фарзандларига адолат қарор топишига ёрдам беришингизни илтимос қиламиз. Дадамиз халқимизга кўп яхши ишлар қилишига ишончимиз комил. «Инсон ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Ислом Каримов». Бизлар билан, дадамиз билан, қишлоғимиз ҳалқи билан, Олий Суд Ажримидаги «Жиноят содир этилмаган» деган гапларга етиш мақсадида бизнинг оилага келиб бир пиёла чой ичиб, дардларимизга қулоқ тутсангиз деган умид билан фарзандлари: Хуршида, Дилором, Бунёд, Темур, Шерали».

> ***Бор «жиноят» шуки, банкдан олинган кредит... кечикиб тўланган. Тўланган. Кечиккани учун фоизлари билан!.. Тадбиркор қандайдир илтимосними, шартними бажармагани учун ўчакишган терговчи жиноят иши қўзғатиб тергов олиб бораётган даврдаёқ кредит фоизлари билан тўланган. Вассалом. Бошқа ҳеч нима йўқ. Даъвогар ҳам йўқ...***

ЭЪТИБОР берган бўлсангиз, хатда қавс ичига олинган «орадаги гапларни бизларга тўлалигича айтмайди» жумласи бор. Алмамат ака буни «шарҳлади», яъни ҳаммага ҳам айтиб бўлмайдиган, лекин ҳамма кўриб-билиб турган ва ишонадиган гапларни айтди. Бироқ буни тепасида ушламагунча исботлаб бўлмайди, қонунда шунақа, демак ёзиб ҳам бўлмайди — «туҳматчи» сифатида жавобгарликка тортиласиз. Шунинг учун ёзмаймиз. Ва, ҳаво тўлдириб шиширилган пуфак каби Ҳукм атрофида мулоҳаза юритиб қўяқолайлик. Шунинг ўзи ҳам соғлом хулосага етарли бўлади. Демак, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг (раислик этувчи вилоят суди судьяси Баҳромов Х., халқ маслаҳатчилари Бобохўжаева С., Раҳимов Э.) 1998 йил 26 февралдаги Ҳукми билан «Абдуллаев Алмамат ЎзР ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» банди билан мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, муддати саккиз (8) йилга озодликдан маҳрум қилинсин, жазо қаттиқ тартибли колонияда ўталсин, жазо муддати 1997 йил 30 октябрдан бошлаб ҳисоблансин».

Нега 1997 йил 30 октябрдан? Чунки у ўшандан буён ҳибсда, уни ўша куни ашаддий жиноятчи сифатида қамоққа олишган.

Мазкур Ҳукм бўйича яна 2 кишига жазо тайинланган, Акбар Бердиев — «Самарқанд» фирмаси омбор мудири, Абдураззоқ Назаров — шу фирманинг бош ҳисобчиси. Яъни, булар «биргалашиб», «гуруҳ бўлиб», «ғараз мақсадларни кўзлаб», «олдиндан жиноий тил бириктириб» жиноят содир қилишган. Қўштирноқдаги бу жумлалар «Айблов хулосаси», сўнг «Ҳукм»да такрорланган айбловлардир.

Қандай жиноят юз берган, дея такрорлаймиз яна. Ва яна ўша жавоб: банкдан олинган 500 минг сўм кредитни тўлаш муддати ўтган, вассалом. Ҳеч ким уни еб кетмаган, кредит пули режадаги мақсад учун ортиғи билан сафарбар этилган — Россиядаги фирмага 600 минг сўмликдан зиёд вино жўнатилган ва винонинг пулига сотиб олинган буюмлар тезда сотилмагани учун кредитни тўлаш муддати кечиккан. «Гуруҳ бўлиб», «олдиндан жиноий тил бириктириб» содир этилган «жиноят» — шу!

Ваҳоланки, бу «жиноят» 1997 йил ноябрда 1 миллион 68 минг 268 сўм тўлаш билан тўлалигича ёпилган.

МАНТИҚАН ҳам, қонунан ҳам шундан кейин жиноят ишини бекор қилиш мумкин ва лозим эди. Бироқ энди «мумкин эмас», сабаби, А.Абдуллаев ҳибсга олиб қўйилган... Демак, энди мазкур жиноят иши албатта суддан «ўтиши» керак. Йўқса, уни ҳибсга олганлар фаолиятига «минус» бўлади, кимдир «хайфсан» билан бўлса-да жазоланиши эҳтимол. Кимдир хайфсан олишидан кўра Алмаматга ўхшаганларнинг қамалиб кетавериши афзал... Суд, ҳой биродарлар, бу киши кредитни тўлабди, даъвогар йўқ, ҳеч кимга ҳеч қанақа зарар-зиён етказилмаган, буларни энди жазодан озод қилсак, ноқонуний воқеа содир бўлмайди, аксинча, адолат қарор топади, дейиши керак эди балки? Жилла қуриса, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб, шартли жазо белгилаб ҳибсда ётган муддатини шу билан «қоплаб» ҳибсдан озод қилса ҳам бўлармиди?

> ***Шикоят хатидан:***
> ***"Дадамиз эрталаб ишга кетганидан ўша куни уйга келмади. Иккинчи куни ҳам. Учинчи куни хабар келди. Қамалибди. Онам ва бизлар ҳеч нарсани тушунмасдик. Бутун қишлоғимиз одамлари ҳайрон. Нима учун? Бизлар дадамизга ишонар эдик жиноят қилмаганлигига. Ўзидан кичикларга ҳам салом бериб кўнглига йўл топа оладиган, эл оғзига тушган, ҳамма ҳурматлайдиган инсон сифатида танилганди. Дадамиз билан ғурурланар эдик".***

Суд эса негадир, нимагадир Алмамат Абдуллаевни 8 йилга (?!) озодликдан маҳрум этди! Яна, «мурувват» қилиб, терговда қўйилган «167-модданинг 2-қисми «б» банди ва 205-модданинг 2-қисми «а», «в» бандларини айбловдан чиқариб ташлади. Агар уларни ҳам қўшса, роса «15 йил» олармиди бечора тадбиркор!

АБДУЛЛАЕВ Алмамат Абдусаматович 1956 йили Булунғур туманида туғилган, олий маълумотли. Кўп йиллар хўжаликда агроном бўлиб ишлади. Мустақилликка эришгач, бозор иқтисоди шароитида касбни янгилашни ҳавас қилиб, 1995 йилда тадбиркорликни бошлади: Москва шаҳридаги «Ўзбекистон» савдо уйи ассоциациясининг Самарқанддаги «Самарқанд» тижорат ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилди, унга, албатта, ўзи раҳбар бўлди. Ишни юргизиш учун 1995 йил 9 августда «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилоят бўлимидан 500 минг сўм кредит олди ва унга қўшиб-чатиб Новосибирскдаги «Русский клуб» фирмасига шартнома асосида жами 653840 сўмлик 2 вагон-цистерна портвейн жўнатган. Кейинроқ «Самарқанд» фирмаси Россиядан 210207 сўмлик пеноплен ва калиш, 351379 сўмлик ошхона вентиляторлари, электр плиткалар, сабзавот қоплари сотиб олган ва буларнинг бир қисми сотилиб, кўп қисми сотишга улгурилмаган — сотиш жараёнида бўлган.

Энди, юқоридаги шу ҳолатнинг суд Ҳукмидаги тасвирига қаранг: «Судланувчи А.Абдуллаев мансаб ваколатини жиноятkорона суиистеъмол қилиб ва фойдаланиб, 1995 йил 15 май куни Россия Федерацияси Новосибирск шаҳри «Русский клуб» масъулияти чекланган жамиятига 2 вагон-цистерна вино маҳсулотини юбориш ва эвазига ёғоч, қишлоқ хўжалик техникаси эҳтиёт қисмлари, шиша идишлари келтириш ҳақида шартнома тузиб, 1995 йил 9 августда «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилоят бўлимидан 14 сонли шартномага асосан қисқа муддатли 170 фоизли 500000 сўмни моддий бойликлар сотиб олиш учун кредитга оладилар ва шу 1995 йилнинг август ва октябрь ойларида Булунғур тумани Красногвардейск ва Килдон вино заводларидан 5800 дан 553000 сўмлик «Портвейн» виносини олиб, 1995 йил октябрида «Русский клуб» жамиятига баҳоси 653840 сўмлик 2 вагон-цистерна вино маҳсулотини жўнатиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилган ва натижада 1997 йил октябрь ойига қадар «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилоят бўлимидан олган қредит пулидан 464000 сўм, фоизлар тўлаши бўлган пулидан 135000 сўм, жами 599300 сўмлик жуда кўп миқдорда зарар етказган».

ҲУРМАТЛИ газетхон, агар малол келмаса, юқоридаги узундан-узоқ ғализ, шақилдоқ жумлани яна бир қайтариб ўқинг ва айтинг-чи — бирор нарса тушундингизми? Ахир банкдан кредит олиб ўз юртига керакли қурилиш материалларини келтириш учун ўзга юртга вино жўнатиш қандай қилиб «мансаб ваколатини **жиноятkорона** суиистеъмол қилиш ва фойдаланиш» бўлади? Бунақада ҳар 100 нафар тадбиркордан 99 нафарини тўғридан-тўғри қора курсига ўтказавериш керак-ку ахир! Яна, «...ўзига ишониб топширилган **ўзганинг** жуда кўп миқдордаги мулкни **растрата** қилиш йўли билан талон-торож қилган»ни қандай тушуниш мумкин — «ўзга» ким ўзи, «растрата» нима, кимнинг мулкини «растрата» қилган? Барака топкур, фирма хусусий, банкдан олинган пулга, юқорида ўзингиз ёзганингиздек, вино сотиб олиб жўнатилган, ҳали уни ҳеч ким ўзлаштиргани йўқ, растрата ҳам йўқ, ахир одам ўзининг мулкини ўзи «растрата» қилмайди-ку, бор-йўғи банкдан олинган кредитнинг тўлаш муддати бироз ўтиб кетган, бошқа гап йўқ. А. Абдуллаев уни «тўламайман» ёки «олмаганман» деб тонмаяпти, бирёққа қочиб ҳам кетмаган. Қолаверса, энг асосийси, муҳтарам судья юқоридаги айбловларни ёзган суд жараёни давридан тўрт ой илгари — 1997 йил 21 ноябрда бу қарзлар барча фоизу пенялари билан бир миллион 68 минг 268 сўм миқдорида банкка тўлаб бўлинган эди!

Шунга қарамай, Ҳукмдаги «Шундай қилиб, «Ўзмевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилояти бўлимидан 500000 сўмлик кредит пуллари ва шу кредит суммасидан тўлаши шарт бўлган фоиз суммалари жами бўлиб 599.300 сўмлик пул маблағлари судланувчи А. Абдуллаев томонидан талон-торож қилиниб, ўзганинг бу суммадаги пуллар **қайтарилмай,** жуда кўп миқдордаги зарар келтирилган» деган жумлани ўқиб баттар ҳайратингиз ошади. Чунки бу пул тўлиқ, ортиғи билан **қайтарилгани** тўғрисида шу Ҳукмнинг ўзида айтилган...

Тўғриси, бу ҳолатни қандай изоҳлашни ҳам билмайсан: бу — судьянинг ўта эътиборсизлигими, лоқайдликми, бепарволикми ёки бир тадбиркор кишини қандай қилиб бўлмасин қамоққа тиқиш мақсадида ҳаво билан тўлдирилган жиноят ишини албатта суддан «ўтказиб бериш» учун шунчаки пала-партиш ёзилган айбномами?

Бутун умрини яхшиликка бағишлаган, бутун меҳнатини жамият ривожи, эл-юрт равнақи йўлига сарф қилиб келаётган беш фарзанднинг отаси, олий маълумотли инсон Алмамат Абдуллаев юқоридаги бедодлик — адолатсизлик ва қонунбузарликлардан қандай аҳволга тушганини тасаввур қилишнинг ўзи аянчли...

Ахир у тадбиркор бўлиб, бор-йўғи икки йилнинг ичида топган даромадидан қишлоқда мактаб қурди, нафақахўрларни бепул гўшт маҳсулотлари билан сийлаб турди, аълочи ўқувчиларга стипендиялар берди. Жилла қурса, шулар ҳам ҳисобга олинмади... деб ёзмоқчи эдим, ўрнига тушмас экан. Сабаби, Алмамат ака жиноят қилгани йўқ, буни баралла айтиш мумкин, агар жиноят қилган бўлганида, юқоридаги хизматларини ҳисобга олиб кечириш керак эди-да, десангиз. Суд ҳукмида яна А.Абдуллаев омбор мудири орқали бир танишига 50 минг сўм бергани, ўз уйига 6 куб ёғоч туширгани унга «айб» қилиб тақалади. У бу пулларни давлат магазинидан ё банкнинг кредити ҳисобидан ўмариб олаётгани йўқ, ўзининг — хусусий фирманинг пули-ку, бунинг нимаси жиноят, нимаси «растрата»?! Бундай баҳоланадиган бўлса, Алмамат ака 240 ўринли мактабни маошидан қургани йўқ, шу фирманинг даромадидан қурди. Демак, мактаб ҳам «растрата» йўли билан қурилган бўлади — бунинг учун ҳам уни қамаш керакми?

> ***Бутун умрини яхшиликка бағишлаган, бутун меҳнатини жамият ривожи, эл-юрт равнақи йўлига сарф қилиб келаётган беш фарзанднинг отаси, олий маълумотли инсон Алмамат Абдуллаев юқоридаги бедодлик — адолатсизлик ва қонунбузарликлардан қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин...***

ҲУКМДА яна қизиқ гаплар бор. Яъни, «Судланувчилар А.Абдуллаев, А.Бердиев ва А.Назаровнинг айблари юқорида қайд қилинган ўзларининг қисман иқрорлик билдириб (А.Абдуллаев айби йўқлигини айтиб, оқлашни сўраган — Ҳ.О.) берган кўрсатмаларидан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан исботланган» дейилади-да, сўнг бир нечта абзацда «ишнинг фалон жилд фалон бетидаги фалон ҳужжат билан» деб: «Русский клуб» билан «Самарқанд»нинг олди-берди қилмоқчи бўлгани, банк фирмага уч ой муддатга кредит бергани, банкдан «Самарқанд»нинг қарзи борлиги тўғрисида берилган маълумотнома, банк ходими Ф.Умаровнинг «Самарқанд» фирмаси ҳақиқатан 500000 сўм қарз олгани ва бу қарз 1068266 сўм қилиб тўлангани ва банкнинг фирмага **даъвоси йўқлиги** тўғрисидаги кўрсатмаси, фирманинг заводлардан вино сотиб олгани ҳолати, вино берилгани ҳақидаги фактуралар, вино жўнатилгани ҳақидаги накладной билан... айб тўлиқ «исботланибди»! (?)

Хўш, икки фирма ўртасидаги қонуний олди-бердиларни акс эттирган бу ҳолат ва ҳужжатларнинг қайси бири «жиноят»ни тасдиқлайди, «жиноят»га алоқадор? Ҳукм ёзилган қоғоз қанча кўп тўлдирилса бас — жиноят шунча «даҳшатли» бўлаверадими, унда нималар ёзилганининг аҳамияти йўқми?

АЙТИЛМАГАН бир гап қолди. 1998 йил 28 май санаси билан чиқарилган Ўзбекистон Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг Ажрими (раислик этувчи С.Хожамуротов, судьялар О.Соатов, Т.Қорабоев) бўйича А.Абдуллаевнинг жинояти ЖКнинг 167-модда 4-қисми «а» бандидан 205-модда «а», «б» бандларига қайта малакаланган ва 57-модда қўлланиб, 4 йил озодликдан маҳрум этилган, жазолар қўшилиб, 5 йил тайинланган. А.Бердиев ва А.Назаровларга белгиланган жазо ҳам шу тариқа «юмшатилган».

Яна катта савол туғилади: шу ясама айбловлар ва жазолар буларнинг қайси «жиноятлари» учун?

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясида айтган қуйидаги сўзлари жуда ўринлидир:

«Шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутула олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйилмоқда».

Президентимизнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги нутқида амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлари айнан ана шундай мантиқсизликларни бартараф этишга қаратилган эди. Шу йил 18 октябрдан — қўшимча ва ўзгартишлар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб янги қонун кучга кирди. Илгари юқоридаги каби жиноят ишларини кўрган судьялар "у даврда бошқача эди" дейиши мумкин. Лекин бу унчаям тўғримас. Чунки бундан уч-тўрт йил муқаддам ҳам шахсан Президентимиз ташаббуси ва таклифлари билан иқтисодий жиноятчиликка оид ишлар бўйича масалалар Олий Суд Пленумларида муҳокама қилинган ва айбланувчи зарарни қоплаган тақдирда унга озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақида тушунтириш ва йўл-йўриқлар бўлган. Мана энди, бу ҳолатларнинг бевосита Қонунга киритилиши тадбиркорларнинг оёқ-қўлини ечиб, тараққиёт сари қўйилган яна бир улкан қадам бўлди, дейиш мумкин.

Маънавият

МИЛЛИЙ МАФКУРА: ТАРҒИБОТ МЕХАНИЗМИ

(Боши 1-бетда)

ўқувчи-талабалар умумаҳолининг 20 фоизинигина ташкил этади.

Миллий истиқлол мафкураси амалда аҳолининг барча қатламлари орасида ёйилиши зарур.

Биринчидан, бу - умумхалқ, яъни жамият мафкураси бўлгани учун ҳар бир фуқаро дунёқарашининг мағзини ташкил этиши лозим.

Иккинчидан, бу - Ўзбекистон халқи учун янги дунёқараш. Эски мафкура таъсиридан тўла қутулиб улгурилмаган бир пайтда буни изчил ва мунтазам равишда тарғиб қилиш эҳтиёжи ниҳоятда кучли.

Учинчидан, дунё мафкуралар кураши майдонига айланиб бораётган бир замонда ёт, ғаразли мақсадларни кўзлаётган, мамлакат аҳли онгини ўз ёвуз ниятлари сари буриб юборишга интилаётган кучлар мавжудлиги учун ҳам «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи тарғибини кучайтириш амалда одамларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг асосий йўли бўлиб хизмат қилади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи тарғиби беш йўналишда амалга оширилади:

Биринчи. Ўқув-тарбия муассасаларида махсус дастур асосида (болалар боғчасида тарбия тизими, таълим даргоҳларида муайян бир фан сифатида) олиб борилади.

Иккинчи. Илмий тадқиқотлар, ўқув дарсликлари, илмий-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисолалар, турли плакатлар ва бошқа нашрий маҳсулотлар орқали тарғиб ва ташвиқ қилинади. Уларда рисоланинг ҳар бир мавзуси, банди, ҳатто, ундаги алоҳида бир ғоя атрофлича ва кенг таҳлил қилиб берилади.

Айтайлик, рисоладаги биргина: «Дунёвийлик - даҳрийлик эмас», - деган нуқтайи назарни шарҳлашнинг ўзига каттагина бир китоб бағишлаш мумкин. Чунки бу қатъият (принцип) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, давлат тузуми, унинг динга муносабати, жамият маънавиятида диннинг тутган ўрни, бунинг шўро мафкурасининг бу борадаги: «Дин - афюндир», - деган позициясидан тубдан фарқ қилиши ва ҳоказо бир талай масалаларга ойдинлик киритиш зарур бўлади.

Рисолада шундай таҳлил ва талқинни талаб қиладиган нуқталар жуда кўп. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Давлат Фан ва техника қўмитаси, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Миллий мафкура илмий тарғибот маркази билан ҳамкорликда чиқарган рисолаларнинг номларини санашнинг ўзи ҳам бу йўналишнинг қанчалар муҳим эканини кўрсатади: «Миллий мафкура - халқ таянадиган куч», «Ислом ва мазҳаблар», «Ислом - маърифат дини», «Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар», «Тарғиботнинг психологик услублари», «Бунёдкор халқ ғояси», «Мафкура, таъсирчанлик ва услуб», «Мафкуравий иммунитет», «Халқаро терроризм ва минтақавий муаммолар», «Миллий ғоя моҳияти», «Миллий истиқлол ғояси: кўргазмали воситалар», «Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари», «Ғоя ва мафкура», «Инсоният тарихи - ғоялар ва мафкуралар тарихидир», «Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси», «Марказий Осиё: ғоявий жараён ва мафкуравий таҳдидлар», «Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият», «Тараққиётнинг ўзбек модели», «Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар», «Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари», «Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари», «Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт», «Бунёдкор ғоялар», «Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари».

Учинчи. Тарғиботнинг ҳеч бир тури одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш ўрнини боса олмайди. Чунки юзма-юз туриб айтилган сўз ҳаётий ва таъсирчан бўлади. Маъруза, савол-жавоб, суҳбат, давра суҳбати, семинар ва конференцияларда фақат сўзловчи эмас, тингловчи ҳам фаол бўлиш имконига эга. Тарғиботнинг бундай усулларида кўтарилган масалани биргаликда атрофлича муҳокама қилиб олиш, тушунилиши мураккаб ҳар қандай нуқтага аниқликлар киритиш учун қулай шароит мавжуд. Воизлик санъатининг кучидан фойдаланиб, бу йўналишда кўпроқ самарага эришиш мумкин.

Тўртинчи. Оммавий ахборот воситалари мунтазам равишда миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилади. Газета ва журналлар, радио ва телевидение ҳамиша мафкуравий курашнинг энг асосий майдони бўлиб келган. Миллий истиқлол ғоясининг ҳаракатдаги кучга айланиши кўп жиҳатдан миллий журналистика даражасига бевосита боғлиқ.

Бешинчи. Таълим тизимида дарс ўтилса, шу йўналишдаги китоблар ва бошқа нарсалар чоп этилса, одамлар ўртасида тўғридан-тўғри тарғибот ишлари амалга оширилса, оммавий ахборот воситалари тинимсиз равишда миллий истиқлол мафкураси ғояларини ёйсаю, лекин буларнинг натижаси билан ҳеч ким қизиқмаса, бундан кейин ишни қандай ташкил этишни белгилаб олиш қийин кечади. Қилинган ишлар қандай самара бераётганига қараб режалар тузилади, йўналишлар белгиланади, мақсадлар муайянлаштирилади, галдаги вазифалар аниқлаштириб олинади. Шунинг учун бу борада изчил ва доимий мониторинг олиб борилади. Бунинг учун илмий таҳлил, социологик тадқиқот, аттестация, ижтимоий сўров, савол-жавоб ва бошқа амалдаги усуллардан фойдаланилади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш» деган 5-бобида миллий мафкура тарғиботида таълим ва тарбия, фан ва илмий муассасалар, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний тарбия ва спорт, урф-одат, маросим ва байрамлар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва мавқеи, вазифаси ва масъулияти қайд этилган.

Бу борадаги барча амалий ишларни мувофиқлаштириш эса Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши зиммасига юклатилган. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази мазкур Кенгашнинг ташкилий гуруҳи - ижроия тизими сифатида шу вазифани бажариб келяпти.

Бу Президент Ислом Каримов ўртага ташлаган: «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» шиорининг бевосита ҳаётийлашиб, амалиётга айланиб бораётганидан далолат беради.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида мамлакатимизни янада тараққий эттириш юзасидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар Маданият ишлари вазирлиги тизимида қандай амалга оширилаётганлиги атрофлича таҳлил этилди. Бу ҳам бизда жамоат ташкилотларининг давлат ташкилотлари фаолияти устидан назорати кучая бораётганини кўрсатади.

Чунки бир нарса аниқ: демократия қанча ривожланса, жамият давлатнинг кўп вазифаларини шунча ўз зиммасига олади ва давлатнинг жамият олдида ҳисоб бериши орта боради.

Султонмурод ОЛИМ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари

Туйғу

ГАВҲАРОЙНИНГ УМИД ГУЛИ

Шоир туйғуларнинг суратини чизади. Шеърият туйғуларнинг фақат суратини эмас, сийратини ҳам ифодалаши лозим. Қаламкаш синглимиз Гавҳар Ҳамроқулованинг "Умид гули" деб номланган шеърий тўпламини кўздан кечираётиб, дафъатан инсон туйғуси, ҳиссиёт ҳақида ўйладим.

Гавҳар Ҳамроқулова
УМИД ГУЛИ

"Умид гули" жумласида рамзий, хаёлий мазмун мавжуд. Хаёлий деганим ўйлаб топилган, инсон томонидан кашф этилган деганидир. Йўқса, ўйлаб кўринг: ҳаётда ҳақиқатдан ҳам умид гули мавжудми? У қайси боғда, қайси гулзорда ўсади?.. "Умид гули" юракларда ўсади. Эзгу ниятларнинг гулбаргларида очилади. Орзулар шодаларидан пайдо бўлади.

Истиқлолим, қўлларимга
умид гулин тутқаздинг,
Йўлларимдан адаштирмай,
муродимга етказдинг,

— деб ёзади Гавҳарой. Ёш шоира мустақилликнинг моҳиятини шундай англайди. Қўлида умид гули бор инсон, албатта муроду мақсадига етишади.

Бугунги ёш авлоднинг юрагида мустақилликка садоқат, келажакка ишонч туйғулари устувор эканлигини билиб қувонасан киши.

"Умид гули" тўпламидаги "Омад билан келган дўстларим", "Синфдошимга", "Қўшнимга бахт тилаб, бахтни кутаман", "Гўзаллик яратайлик", "Тил ва дил" каби шеърлар Гавҳаройнинг ўз сўзини айтишга, янги шеър битишга ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

Гавҳарой ҳаётдаги, ён-веримиздаги оддий воқеа-ҳодисалардан моҳиятан йирик ва чуқур ҳукм-хулосалар чиқаришга интилади. Инсонлар ўртасидаги муносабатларда оқибатнинг, меҳрнинг устувор бўлишини истайди. Ўзининг ниятлари самимий эканлигига ўқувчини ишонтиради.

Дунёда гўзаллик
нақадар яхши,
Чиройли яшамоқ
ҳаммада истак.
Оддий бир гулни ҳам
ҳидламоқ учун,
Аввало шу гулни
яратмоқ керак.

Бу шеърда "меҳнат" деган сўз йўқ, бироқ у меҳнат ҳақида. Шеърнинг ғоявий мазмунига халқимизнинг "Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат" деган ҳикмати сингдирилган.

Шоирликнинг, ижодкорликнинг муҳим шартларидан бири — маълум тушунчани билдирган сўзни айтмасдан туриб, бошқа сўзлар воситасида ўша тушунчани ифодалашдир. Гавҳаройнинг шеърларида ана шундай хусусият бор. У рамзнинг, образнинг нима эканини билади.

Шеърий тўпламда бадиий жиҳатдан баъзи камчиликлар, ҳали пишиб етилмаган шеърлар, жўн ифодалар ҳам мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Ўсаётган, шаклланаётган ижодкорларнинг барчаси ҳам бу жараённи четлаб ўтган эмаслар. Бироқ Гавҳаройнинг шеърларида сўз рангини, маъно товланишларини ҳис этишга мойиллик кучли.

Бу, ёш ижодкорнинг келажагига катта умид ва ишонч уйғотади. Зеро, умид гулини юракда ундира олган инсон албатта мақсадга эришади.

Рустам МУСУРМОН

GLOBUS
international life

Хабар

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий университетида Россия Федерацияси Кенгаши олимлари ва ҳуқуқшунослик, ижтимоий-сиёсий, тарих факультети талабалари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда дастлаб сўз олган профессор Ю.В.Голик терроризм муаммоси тўғрисида атрофлича тўхталди. Нотиқ хавф доираси тобора кенгайиб бораётган компьютер терроризми ва унинг бир оила ёки жамиятга эмас, бутун бир бошқарув тизимига зарар етказиши мумкинлигини таъкидлади. Профессор шу пайтгача халқаро терроризмга қарши кураш масаласига эътиборсизлик билан ёндашилганини эътироф этди. Эндиликда эса дунёдаги қатор нуфузли ташкилотлар ўз кучларини бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Анжуманда яна бир қизиқ масала хусусида сўз борди. Мана, ҳозир терроризмни бартараф этиш, тинчликка хавф солаётган жиноятчиларни қидириш учун жадал киришилди. Бироқ бир савол кишини ўйга толдиради: террорчилар қўлга тушгач, уларни ким суд қилади, бирор алоҳида давлатми ёки бошқа йўллар ҳам борми? Конференция иштирокчиларидан бири бу борада БМТда мунозаралар, музокаралар олиб борилаётгани, тез орада мазкур савол ўз жавобини топишини маълум қилди.

Талабаларнинг “Терроризмга қарши кураш жараёнида БМТ ўз ваколатларини НАТОга бериш тўғрисидаги таклиф қай даражада тўғри?” деган саволига ахборот-таҳлил бошқармаси вакили П.Федосов, “Бу ғоя 1999 йили билдирилгани, бироқ бу таклиф ўзини оқламаслигини, чунки НАТО БМТга нисбатан тор доирада фаолият юритиши ва ҳар икки ташкилот ҳам ўз мақсадларини ифодаловчи бошқа-бошқа низомларга эга”лигини тушунтирди.

Анжуманда, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг савдо ва божхона муносабатлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Умида НУРМАТОВА,
ЎзМУ толибаси

Фаолият

ДЕМОКРАТИЯ ТАРҒИБОТИ

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА

Эркинлик Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам доимо долзарб масала бўлиб келган. Уни нафақат сўзда, балки амалда намоён этиш ҳам ўзига хос мураккаб вазифа ҳисобланади. Германияда бу масалага Конрад Аденауэр жамғармаси бир мунча янгилик киритди. Давлат бўйнида турган демократияни ривожлантиришдек масъулиятнинг бир қисмини жамғарма ўз зиммасига олди.

Ташкилот ўз фаолиятини асосан уч йўналишда олиб боради.

Дастлабки йўналиш — сиёсий таълим энг муҳим вазифа ҳисобланиб, аҳоли ўз ҳуқуқларини тўлиқ тушуниб етишларига ёрдам беради.

Олмония бирлашгач, жамғарманинг бу соҳадаги фаолияти анча жадаллашди. Халққа сиёсат, қонун, бозор иқтисодиётининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирила бошланди. Икки давлат бўлган, аслида ягона миллат вакиллари бир-бирларини яхши тушуниши, қабул қилиши учун жамғарманинг 22 таълим маркази кўплаб тадбирлар ўтказишга киришди.

Сиёсий таълим жабҳасига маданият ҳам киритилган. Гап шундаки, маданиятнинг сиёсий ҳаёт учун аҳамияти ташкилотнинг етакчи мутахассислари томонидан мунтазам кузатилади, ижодий меҳнат доимо қўллаб-қувватланади. Жамғарма турли касб эгаларини бирлаштириш, улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда воситачилик қилмоқда.

Жамғарманинг иккинчи йўналиши “Тадқиқот ва маслаҳатлар” деб аталади. Унинг моҳияти жамиятнинг ривожланиш босқичларини кузатиш, таҳлил қилиш ва умуман, воқеликка танқидий нуқтаи назардан ёндашувдан иборат.

Сўнгги йилларда бу йўналиш бўйича жамғарма уюштирадиган тадбир ва семинарларда иштирок этиш учун кўплаб ўзбекистонлик олим, журналист, юрист ва ҳокимлар Олмонияда бўлиб қайтишди. Юртдошларимиз чет эллик ҳамкасблари билан ўз мутахассисликлари бўйича мулоқотда бўлиб, тажриба ва янгилик алмашдилар.

Конрад
Аденауэр
Фонди
Konrad
Adenauer
Stiftung

Жамғарманинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон бўйича мухтор вакили жаноб В.Шрайбер ОАВ вакиллари билан мулоқотда

Ва ниҳоят, кейинги йўналиш — “Академик хизмат”. Унинг негизида маориф ва олий таълим ётади. Ушбу тармоқ иқтидорли талабаларни рағбатлантириш ва билим олишларида етарли имконият, шароитларни яратиб беришни ҳам кўзлайди.

Жамғарма таъсис этган стипендия жаҳон ёшлари ўртасида жуда машҳур. Жамғарма стипендиатлари орасида ўзбек ёшлари ҳам йўқ эмас. 1993 йилдан буён Ўзбекистон, Қозоғистон, қирғизистонлик 19 нафар мутахассис Конрад Аденауэр жамғармаси стипендиати сифатида Олмонияда ўқиш имкониятига эга бўлди.

“Академик хизмат”да маорифдан ташқари сиёсат тарихи бўйича ҳам ишлар олиб борилади. Хусусан, христиан-демократик партиялар тарихи жамғарма архивида мукаммал жамланган. Давр 130 мингга яқин фотосурат, 1000 дан ортиқ фильм ва бошқа кўргазмали, аудио ва визуал манбаларда сақланиб қолган.

Аденауэр жамғармаси ривожланаётган мамлакатларга ёрдам беришни ўз режаларига ҳам киритган. Собиқ Иттифоқ давлатларининг бошқариш тизимига янгиликлар олиб кириш жамғарманинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Ёш демократик давлатларда ҳуқуқий жамият қуришда бирлашманинг катта тажрибаси қўл келмоқда.

Жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакати ҳаётида Конрад Аденауэр жамғармаси муҳим роль ўйнайди. Юртимизда бу ташкилот 1994 йилдан фаолият кўрсата бошлаб, ўтган 7 йил мобайнида ваколатхона кўпгина ишларни бажаришга улгурди.

Маҳаллий ҳокимият органларида, иқтисодиёт, ҳуқуқий сиёсат, шунингдек, аёллар, ёшлар ва сиёсат бўйича туркум семинарлар ўтказилди. Кенг омма орасида масъулият, шахс ҳуқуқи эркинликларини тушунтириш тадбирлари вилоятларда кўплаб ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам ташкилот назаридан четда қолгани йўқ. 1996 йилда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришда журналистиканинг роли” деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу дастурни амалга татбиқ этишда 1997 йилда ташкил этилган Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро Маркази ўзининг ҳиссасини қўшди. Олмония ва Ўзбекистон ОАВлари ҳамкорлигида анжуман, семинарлар ўтказилди. “Тўртинчи ҳокимият” билан боғлиқ айрим муаммоларни ечишда жамғарма кўмаклашмоқда.

Тарих

ЧЕ ГЕВАРА:

ФОЖЕАЛИ МУҲАББАТ ҚИСМАТИ

Мутлақо махфий
Kurier

Куба раҳбари Фидель Кастронинг ўнг қўли ва ҳамфикр-сирдоши бўлган Че Геваранинг жисмонан йўқ қилиниши ДХҚ (Давлат хавфсизлик қўмитаси) томонидан режалаштирилган. Бу режани амалга ошириш учун махсус хизмат вакиллари ўзларининг яхши тайёрланган Таня исмли агентидан фойдаланишган. Таняга темир ўртоқ Ченинг севгисини ва ишончини қозониш вазифаси топширилганди.

Аргентинада, немис профессори оиласида туғилган қизалоқнинг ҳақиқий исми Хейди Тамара Бунке бўлган. Унинг отаси ашаддий коммунист бўлган. Тамара ёшлигидан мустақил бўлишга ўрганган. У 15 ёшида туғилган уйини тарк этиб, тил ўрганиш мактабига ўқишга кириш ҳамда оиласидаёқ яхшигина ўзлаштириб олган марксизм ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун Шарқий Германияга йўл олади.

Ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ Тамара компартияга аъзо бўлиб киради ва дарҳол Шарқий Германиянинг разведка хизмати томонидан Лотин Америкасида агент сифатида ишлаш учун «қармоққа» илинтирилади.

ГДР контрразведкаси СССР ДХҚси билан яқин ҳамкорликда ишлаганлиги учун ҳам Тамарага ДХҚнинг махфий агенти бўлиш таклиф этилди. Қиз таклифни хурсандчилик билан қабул қилди. Чунки Тамара болалигидан СССР манфаатлари учун хизмат қилишни дилига тугиб қўйган эди. Мана, ниҳоят орзуси ушаладиган бўлди...

Тамара ДХҚ ўқув разведкасининг марказларидан бирида махсус тайёргарлик курсини ўтади. Тўғриси, айрим машғулотлар қизни ҳайратда қолдирди. Жиддий қиёфали мураббийлар махфий ёзув, конспирация усуллари, ташқи кузатиш ва ҳатто қандай қилиб эркак кишининг кўнглини овлаш, бу эркак билан яқинликдан фойдаланиб керакли маълумотлар йиғиб олиш йўл-йўриқларини ўргатишарди. Тамара ўзининг нафақат коммунистик ғояларига содиқлиги сабабли, балки гўзал ташқи кўриниши билан ҳам ДХҚ диққатини тортганини сезмагандир. Ундан ишқий жосусликда ишлатиладиган «ютма» агент тайёрлашарди.

1959 йилда Тамара биринчи топшириғини олди. Уни шарқий Германия разведка хизматининг штаб-квартирасига чақиришиб, Куба етакчиси Фидель Кастронинг ўнг қўли бўлган Че Гевара Берлинга ташриф буюрганини айтишади. Тамарага Ченинг Германияга сафари пайтида у билан яқин алоқага киришиш топширилди — қанча яқин бўлса шунча яхши...

Агент Таня Че Геварани Германияда олиб юрувчи гуруҳга киритилди. Илк бор улар тантанали зиёфатда учрашишди. Чега Таняни Лотин Америка бўйича эксперт ҳамда тенги йўқ таржимон деб таништиришди.

Ғаройиб ҳиссиётлар оғушида тўлиқиб кетган Таня афсонавий инқилобчи Че Геварага ҳайратланиб қарарди. Қиз Че учун қандайдир жасорат кўрсатгиси, унинг учун нималарнидир қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Ҳиссиётлар бўрони қизнинг юзини қизартириб юборди ва у бу ҳолдан янада гўзалроқ кўриниб кетди. Че Гевара буни пайқамаслиги мумкин эмас эди. Темир ўртоқ қизнинг қўлини маҳкам ушлаб олди ва зиёфат охиригача қўйиб юбормади. Ўша оқшомнинг ўзидаёқ бирга бўлишди...

Эрталаб Тамара ўз фаолияти хусусида совет резидентурасига маълумот бериши керак эди. Кўрсатма бўйича, унинг ҳисоботи ўртоқ Че билан бўлган барча алоқалари, ҳатто энг хуфиёна лаҳзалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак эди.

Ана шунда Тамара бир дақиқа ўйланиб қолади. Жувоннинг эти жунжикиб кетади: бир кечадаёқ қолган умрининг мазмунига айланган одамга хиёнат қилмаётганмикин? Таня сиёсатни яхши тушунарди ва советлар Кубанинг яқин иттифоқчиси эканлигини, СССР озодлик ороли ўлкаси сиёсатини қувватлашини, унинг етакчиларини капиталистик Ғарб иғволаридан сақлашга интилишини яхши биларди. Демак, бу икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик тизимига ижобий таъсир кўрсатишдек масъулиятли вазифа унинг зиммасига тушган. Тамаранинг қалбини ғурур ҳислари тўлдирди... Зеро, СССРнинг сирли сиёсий ўйинларининг нозик жиҳатлари унга ноаён эди.

Танянинг ҳисоботини олган марказ ундан мамнун эканлигини изҳор этди. Таняга билдирилган ишонч оқланганди. Энди шу муваффақиятни мустаҳкамлаш, ривожлантириш қолганди.

1961 йили Таняни Че билан муносабатларни тиклаб олиш учун Кубага юборишди. Уч йил давомида агент Таня Кастронинг энг яқин иттифоқчисининг ҳар бир қадами ҳақида Москвага ахборот бериб турди.

1964 йили Таня Че яқинда Кубани тарк этиб, халқ қўзғолони бошлаш учун Боливияга хуфиёна кетмоқчи бўлаётгани ҳақида ДХҚга хабар беради. Марказ Таняга дарҳол Боливияга бориб, у ерда Че Геварани кутиб туришни буюради.

Боливияда Таня Лаура Бауэр исми билан кичик шаҳарчага жойлашиб олди ва мамлакат президентининг матбуот биносида иш билан таъминланди.

Ла-Пасга Че фақат 1966 йилнинг ноябридагина кела олди. Лаурадан олинган ҳужжатларга кўра, Гевара Боливияга тадқиқот ишлари билан шуғулланиш учун келган Америка социологи эди. Гевара сохта «Рамон» номи остида ўзининг махфий армиясини тузишга киришди: қуроллар яширилган дала омборхоналари, махфий лагерлар, машқ майдонлари қуришга киришди. Ўша кунларда Таня Геваранинг соясига айланган эди, шу сабабли ДХҚ исёнчилар етакчисининг барча ҳарбий-сиёсий режаларидан яхши хабардор эди.

Че талабалар ғалаёнлари, ҳукуматга бўйсунмаслик ҳаракатларини ташкиллаштира борган сари ДХҚ хавотирга тушарди. ДХҚ Че Боливияни Куба назорати остига олиб келишидан чўчирди.

ДХҚда қонуний Боливия ҳукуматига Че ҳамда исёнчиларни йўқ қилишда ёрдам бериш қарори қабул қилинди. Москва учун ҳаракатларини олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган тирик қаҳрамондан кўра озодлик учун жон фидо қилган марҳум номи афзалроқ эди.

Гевара аччиқ ҳақиқатни, яъни энг яқин маъшуқаси ва сирдоши бўлмиш Таня ўзининг ҳар бир босган қадами ҳақида ДХҚга маълумот бериб тургани, охир-оқибатда эса уни Боливия ҳукуматига сотгани ҳақида билмасдан ўлиб кетди.

Дўсти, мураббийси ва ўйнаши ўлимидан сўнг Тамара махфий тарзда СССРга юборилди. Таняни ўз ватанига қўйиб юбориш хавфли эди. Зеро, у жуда кўп нарсаларни ва жуда кўпларни биларди. Москвада унга шаҳар четидан бир хонали кичиккина квартира беришди. Разведкачилар унга Лотин Америкаси бўйича эксперт сифатида ишлашни таклиф қилишган...

Хориж матбуоти асосида тайёрланди.

Аралашига

— Францияда яланғоч ҳолда чавандозлик қилишга ишқибоз соҳибжамоллар пайдо бўлибди.

— Голливуд гўзалларидан Шэрон Стоун миясига қон қуйилиб, касалхонага ётқизилди.

— АҚШлик оддий аскар ҳарбий хизматни ўташ чоғида камида 875 доллар олади. Айрим ҳолатларда (кўп йиллик хизмати, чет тилини билгани, казармадан четда яшагани учун ва ҳоказо) унга қўшимча ҳақ берилади ва маоши 3400 долларгача етади. Уруш ҳолатларида ҳарбий хизматчига кунига 100 доллардан тўланади.

— Таниқли поп-хонанда Наталья Лагода ўзини бешинчи қаватдан ташлаб, жонига қасд қилди.

— Ухлаётганда чўнтак телефони камида 1,5-2 метр нарида туриши керак экан.

— Америкалик социологлар ўтказган тадқиқотга кўра жинсий эҳтиросни қондиришга ўчлик маъносида украиналиклар олдига тушадигани топилмаган. Кейинги ўринни Аргентина, Бразилия, Венесуэла ва Венгрия эгаллаган.

— Россия мактаб ўқитувчилари табақасига қараб бир ставка дарс учун 364 рублдан то 859 рублгача ҳақ олиши ҳукуматнинг ўқитувчи меҳнатига муносабатини кўрсатади, деб ёзибди “Труд” газетаси.

Ҳамкорлик

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ИЗЛАБ

Сурхондарёнинг Сурхонфарм ва Ҳиндистоннинг Ажанта LTD компанияси ўртасидаги Сурхон-Ажанта қўшма корхонаси республикамиздаги тиббиёт соҳасидаги биринчи қўшма корхона бўлиб, 1994 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Корхона сил касаллигига қарши антибиотиклар, юрак хасталикларига қарши дорилар ва бошқа 30 хил турдаги дори-дармон ишлаб чиқаради.

Сурхон-Ажанта корхонаси раҳбари С.Рамешнинг айтишича, Ҳиндистоннинг Ажанта компанияси 30 та давлатдаги филиалларида ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда эса корхона дорилар учун ўрам материаллар ишлаб чиқаради. Сурхон-Ажанта хом ашёни Ҳиндистон, Европа ва АҚШдан келтиради. Аммо хом ашёнинг четдан келтирилиши узоқ вақт талаб қилмоқда ва корхона республикада мавжуд хом ашёдан фойдаланиш йўлларини изламоқда.

Келгусида корхона раҳбарияти ампулалар учун шишачалар тайёрлаш, Навоий азот фабрикасидан кислота келтириш ва дорилар тайёрлашда республикадаги крахмал ва бошқа хом ашёдан фойдаланишни йўлга қўймоқчи. Шунингдек, Сурхон-Ажанта корхонаси маҳсулот турларини кўпайтириш, республика бўйлаб кенг тарқатиш ҳамда таблетка, ампула ва капсула шаклидаги дорилардан ташқари сироп ва бошқа шаклларини ҳам ишлаб чиқармоқчи.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети толиби

Нуқтаи назар

КЎЧИРМАЧИЛИК ИЛЛАТИ

Хорижда “ғоя ўғирлиги” учун судлашаётган кишилар тўғрисида эшитганимизда ажабланишимиз табиий. Масалан, бирон бир донг таратган режиссёр зўр бир фильм суратга туширмоқчи. Шу пайт унинг бошқа бир машҳурликда қолишмайдиган ҳамкасби “мен бу фильм тўғрисида сендан аввал ўйлаб қўйгандим, сен ғоямни ўғирлабсан!” дея жанжал бошлайди. Биз учун бу жуда ғалати. Қўшиқ, бадиий асар, борингки, товар белгиси ноқонуний тарзда кўчириб олиниши мумкинлигини тушунамиз. Бироқ бировнинг миясида айланиб турган (ёки ярқ этиб ўтиб кетган) ғоя ўғирланиши... (?)

Аммо чет давлатларда, айниқса Америкада шу масалада ўтадиган суд тортишувлари табиий ҳолга айланган. Негаки уларда плагиат, яъни кўчирмачилик жиноят ҳисобланиб, муаллифлик ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари қаторига киради.

Муаллифлик ҳуқуқи XIX аср охирига келиб Америка қитъасидаги минтақавий келишувлар натижасида пайдо бўлган. Бу борадаги илк қонун ҳужжати 1886 йилда адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида тузилган Берн конвенцияси ҳисобланади. Ҳозирги даврда ушбу конвенцияга 120 дан ортиқ давлат қўшилган. Унда муаллифлик ҳуқуқига оид учта асосий принцип кўрсатилган:

- “Миллий тартиб” принципи;
- “Автоматик ҳимоя қилиш” принципи;
- “Ҳимоя қилиш эркинлиги” принципи.

1952 йилда эса ЮНЕСКО ташаббуси билан Женевада муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги Бутунжаҳон Женева конституцияси ишлаб чиқилди. Деярли барча ривожланган давлатларнинг бу ҳуқуқ билан боғлиқ қонунчилиги айнан шу конституцияга асосланган.

Муаллифлик ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, уни мерос қилиб қолдириш мумкин. Бу ҳолда ворис асарни тарқатиш, “ижарага бериш”, оммалаштириш ҳуқуқларига эга бўлади.

Ўзбекистонда ҳам муаллифлик ҳуқуқига оид қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган. 1992 йилда Ўзбекистон давлат муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги иш бошлаган.

Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодексларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи моддалар мавжуд.

Бироқ кундалик ҳаётимизда муаллифлик ҳуқуқига унча аҳамият берилмаётганини ҳам тан олиш керак. Бунга турк, ҳинд, инглиз тилидаги қўшиқларнинг “таржима” қилиб айтилиши, Голливуд фильмларининг Америка прокатларидан аввал бизда пайдо бўлиши, телеканалларимизда тақлидий кўрсатув ва ўйинларнинг кўпайиб бораётгани каби биз учун одатий бўлиб қолган ҳоллар яққол мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлик ҳуқуқи жамият тараққиётининг негизи ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳуқуқ соҳасини ҳимоя қилиш ва жаҳон амалиётини ўрганиш биз учун муҳимдир.

Муаллифлик ҳуқуқининг ривожланиши жамият даражасини кўтаришдаги омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун такомиллашган қонунлар турли хил ҳамкорлик муносабатларида кафолат ҳисобланади.

Дилдора ХАЙИТБОЕВА,
Тошкент давлат юридик институти 4-курс толибаси

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақолада халқаро қонунчиликдаги бу долзарб масала чуқур таҳлил этилмаган бўлса-да, яхши мавзу ўртага ташланган. Келтирилган фактларнинг ўзи ҳам давлатимиздаги муаллифлик ҳуқуқининг аҳволи билан таққослаш учун арзирли.

Бошқа томондан олиб қараганда, баъзида намоён бўлиб турган кўчирмачилик ҳоллари унча ёмон эмасдир? Айни босқичда зарардан кўра кўпроқ фойда келтираётган бўлса ҳам ажаб эмас. Аввал жаҳон тафаккури ва санъати ютуқларини плагиат ёрдамида самарали ўзлаштириб олганимиздан сўнг, ўзимиз ҳам бетакрор асарлар яратишимиз осонроқ кечар? Ёки?..

Сиз бунга нима дейсиз?

Ажойибот

ЎТМИШДА ҲАМ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР БЎЛГАН!

АҚШнинг Янги Мексика штатидан топилган қадимги ёдгорликлар шундан далолат бермоқда. Бундан 1000 йил аввал Пуэбло Бонито (АҚШ, Янги Мексика) ҳудудида истиқомат қилган Анасази одамлари Чако Канон чўлида Буюк уйлар деб номланган 9 қаватли иморатлар бунёд этишган. Анасазилар уй деворларини қуришда улкан тошлардан, эшик, деразаларни қуришда эса ёғочдан фойдаланишган. Улар қурилиш учун зарур бўлган ёғочни 80 км узоқликдаги ўрмондан келтиришган. Бино ичида айлана шаклида қурилган кенглиги 16 метрли катта-катта хоналар ҳам мавжуд. Тахминларга кўра, кивас деб номланган бу хоналардан анасазилар диний маросимлар ўтказиш ёки йиғиб-терилган ҳосилни сақлаш учун фойдаланишган. Кейинчалик анасазилар ўз истиқоматгоҳлари — Буюк уйларни ташлаб кетишган. Бунга нима сабаб бўлган: очликми, сувсизликми ёки урушми? Анасазиларда қандай технология бўлганки, улар кўп қаватли тош уйларни қура олишган? 200 мингга яқин дарахтни қандай қилиб шунчалик олис масофадан ташиб келтиришган?

Мазкур саволлар бўйича Америка олимлари тинимсиз тадқиқот олиб боришмоқда.

“ЖОНСИЗ ГУВОҲЛАР” НЕЛАРНИ СЎЗЛАЙДИ?

Чилидан 3700 км узоқликда, Тинч океанининг жанубида жойлашган Пасха оролига қадами етганлар ажойиб манзарага дуч келади. Оролда 600 га яқин улкан тош ҳайкал савлат тўкиб турибди. Улар ким томонидан яратилгани маълум бўлмаса-да, қурилиш санаси 1150-1500 йилларга бориб тақалиши аниқланган. Норвегиялик саёҳатчи Тур Хейердал фикрига кўра, ҳайкалларни Жанубий Америка одамлари қуришган. Археологик изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳайкаллар қабиланинг нуфузли шахслари шарафига бунёд этилган.

Ҳайкаллар орқали зодагонларнинг шон-шавкати, обрў-эътиборини кўз-кўз қилиш асосий мақсад бўлган. Лекин пасхаликлар ҳам анасазилар каби оролни негадир ташлаб кетишган. Бунга уруш ёки бирор табиий офат сабаб бўлган. Ёхуд маҳаллий аҳоли барча табиий заҳираларни ишлатиб бўлгач, оролни тарк этишга мажбур бўлган, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Ҳа, тарихда ўз жавобини кутаётган саволлар, ғаройиб тилсимотлар бисёр. Уларнинг асл моҳиятига етиш эса олимларнинг саъй-ҳаракати, изланишларига боғлиқ.

Собиржон ЁҚУБОВ тайёрлади

РАҚАМ

Ҳозиргача Афғонистондаги тинч аҳолига БМТ Болалар жамғармаси 4 млн., Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси 2,5 млн. доллар миқдоридаги инсонпарварлик ёрдамини кўрсатди.

Ҳуқуқни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақом билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 2942

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Нашр

МАЪРИФАТ ЖУРИ

“Имом ал—Бухорий сабоқлари” журналини варақлаганда...

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг саъйи ҳаракатлари билан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг тузилиши ва унинг журнали нашр этила бошлаганлиги юртимиз маънавий-маърифий, илмий-адабий ҳаётидаги катта воқеа бўлди. Улар асрлар қаърида қолиб кетган тенгсиз маънавий қадриятларимизни юзага чиқаришга, уларни асл эгаси, меросхўри бўлмиш бугунги замондошларимизга етказишга даъват этилгандирлар.

“Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали чиқа бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай илмий жамоатчилик орасида, фуқаролар орасида оғизга тушиб қолди. Бамисоли биз орзиқиб кутган маърифий қатлам варақлана бошланди, унинг ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган чашмасидан энтикиб-энтикиб симира бошладик, бундан вужудимиз яйраб, руҳимиз тиниқлашяпти.

Мазкур журнал нашр қилинармуш деган овоза тарқалганда, яширмайман, баъзи бирларимизда бу нашрда асосан диний мавзулар ёритилса керак, бу эса ўз навбатида унинг ўқувчилари доирасини бирмунча торайтириб қўймасмикан, деган ҳадик пайдо бўлганди. Илло журнал чоп этила бошлагач, бу хил фикрлар ўринсиз эканлиги аён бўлди. Буни нашрнинг мундарижаси ҳамда ундаги рукнлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Чунончи, “Истиқлол ва диний эътиқод”, “Бизнинг мулоқот”, “Сиз нима дейсиз?”, “Ислом ва маърифат”, “Ёшлар саҳифаси”, “Адабиёт саҳифаси”, “Китоблар оламида” ва ҳ.к.

Айтмоқчимизки, кишиларимизнинг маънавий камолотида диний қадриятларнинг тутган муҳим ўрни ҳаёт билан, ҳозирги замон масалалари билан боғлиқ, яъни диний ва дунёвий тушунчалар узвий боғланиш ҳолатида ёритилаётир. Бинобарин, журнал ёшу кекса кишиларга мўлжалланган, ўқувчилар турли табақалари интилишлари, қизиқишлари эътиборга олинган ҳолда росмана замонавий нашр бўлиб чиқаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Журналдаги баъзи мақолаларга жамоатчилик томонидан муносабат билдирилаётганлиги жуда соз! Демак, нашр ўқувчилар эътиборини жалб этяпти, уларда фикрлаш истагини уйғотяпти. Жумладан, халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновнинг “Ҳар бир фахрий мураббий бўлсин!” деб номланган мақоласига нашрнинг келгуси сонида ушбу масала бўйича ўқувчилардан келган бир қанча хатлар “Акс-садо” рукнида чоп этилганлиги кишини мамнун қилади.

Журналнинг ўтган йилги 3-4 сонида публицист-ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Жамиятнинг тирик виждони” сарлавҳали каттагина мақоласи чоп этилган. У таниқли олим Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” номли икки китобига бағишлаб ёзилган. Абдуқаҳҳор Иброҳимов китоб юзасидан мутолаа жараёнида ўзида пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларини, баъзи эътирозларини ҳам баён этади.

Каминада фурсатдан фойдаланиб, журнал фаолияти билан боғлиқ баъзи мулоҳаза ва истакларни билдириш хоҳиши пайдо бўлди. Айтишим керакки, журналнинг безатилиши, айниқса босма сифати ниҳоятда юқори даражада. У олий нав қоғозда босиляпти. Журнал оддий босмахонада эмас, балки Тошкент картография фабрикасида чоп этилмоқда. Лекин мазкур масаланинг бир томони борки, нашрни қадимий миллий тамойилларимиз усулида тайёрлаш ниятида мақолаларнинг матнлари турли хил рангли безаклар устидан босиляпти. Бу эса ўз навбатида ўқишга халақит беряпти, кўзга ботмоқда. Таклиф қиламизки, матнлар оқ қоғоз бетига тушаверсин, шундай қилинса ўқиш осон кечади, боз устига, меҳнат ва харажат ҳам маълум даражада тежалади.

Ҳозирги пайтда Тошкентда жуда кўп чет эл давлатларининг, шу жумладан аҳолиси асосан ислом динига эътиқод қўйган давлатларнинг элчихоналари бор. Динимиз ва у билан боғлиқ масалалар билан Европа, Африка, Осиё ва Америкадаги давлатлар вакиллари ҳам қизиқади. Бунинг устига юртимизга кунига юзлаб ва минглаб чет эл ишбилармонлари, турли мутахассислар ҳамда саёҳатчилар келиб турибди. Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда журналнинг ҳар сонида унинг мундарижаси мазмуни баён этилган аннотация инглиз ва араб тилларида бериб борилса. Бу — журналнинг чет элларга ҳам чиқишини кенгайтиришга, оммалашишига ёрдам беради, деган фикрдамиз.

Ва ниҳоят, журналнинг адади ва баҳоси хусусида. Имоним комилки, таҳририят жамоаси бу энг нозик ва айни пайтда мураккаб масала ҳисобланган мазкур муаммо ҳақида кўпдан бери ўйлаяпти, изланяпти. Афсуски, ҳозирча кутилган натижага эришилганича йўқ. Аввало ададини кўпайтириш тўғрисида: юртимизда рўйхатдан ўтган масжидларнинг ўзи қарийб икки мингта. Буюк бобомиз номи билан аталган бу журнал, беистисно, ҳар бир масжидда бўлмоғи шарт. Бу даргоҳга суҳбат учун кирган ёшу қария журнални олиб, бир варақласа кўнгли ёришади. Муҳтарам имом-хатибларимиз журналдаги мақолалар билан мунтазам танишиб борсалар, жамоа олдидаги, ақиқа ва амри маъруф йиғинларидаги ваъзлари бойийди, оммабоп бўлади, қайтариқлардан холи бўладилар.

Яна, шукрки, юртимизда Ислом университети ҳамда диний ўқув юртлари бор. Айрим талабаларни ва фахрийларимизни муассис — Имом ал-Бухорий Халқаро жамғармаси ҳисобидан обуна қилишни имкон қадар ўйлаб кўрилса, деган муддао бор каминада. Бу савоб ишга сармоядор ҳамда тадбиркорларни, баъзи хўжалик ташкилотлари раҳбарларини ҳам жалб этиш мумкин деган ўйдаман.

Ва ниҳоят, журналнинг баҳоси ҳақида. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ҳар бир сўм ҳисобда. Бебилиски пул топадиганлар бармоқ билан санарли, ачинарли жойи шундаки, худди шу тоифадаги кишилар маънавий-маърифий, илмий оламдан борган сари узоқлашиб кетмоқдалар. Бошқаларни қўятурайлик, ҳатто ўрта меъёрдаги зиёли мазкур журнални сотиб олишга келганда ўйланиб қолади. У шу нашрни олгиси, ўқигиси, ўқиганларини ўзгаларга сўзлаб бергиси келади, шуни жуда-жуда истайди. Аммо кўрпага қараб оёқ узатмоқлик керак. Борди-ю адади кўпайса, унинг нархини арзонлаштириш имкони бўлар. Масаланинг моҳияти, асосий мақсад — журнал хонадонларга кирса, кишилар қўлига тегса деган ният бўлса, нашрни қимматлаштириб юбораётган баъзи ортиқча хашам ва безаклардан вақтинча воз кечиб туриш маъқулмикан, деган ўй ҳам йўқ эмас менда.

Жамғарманинг, айни пайтда журналнинг ўз олдига қўйган вазифалари катта ва жуда шарафли. Жамоа ана шу истиқбол режаларини амалга ошириш иштиёқида. Биз уларнинг хайрли ишларига Аллоҳдан омад тилаймиз.

Эҳтирос

ДУНЁГА ЭРГАШИБ БЕСЎЗ, БЕОЗОР

**Хосият РУСТАМОВА,
Олий адабиёт курси тингловчиси**

**Ҳозирча бахтиёр яшамоқ мумкин,
Осмон бор...
Юлдуз бор — ҳаво етарли.
Хоҳласанг кундуз бор...
Хоҳламасанг тун —
Унча бахтсизмасмиз айтарли.
Кўкракка юракни қўйганмиз
жойлаб,
Ҳали кўзимизда ёнаётир чўғ.
Сарғайиб қолмадик
кимнидир пойлаб —
Худонинг эсидан чиққанимиз йўқ.
Қаерга қарайсиз?!
Очинг кўзларни,
Дардингиз дарёдай окдими
лим-лим?
Қаерга кетамиз—
ахир бизларни,
Бағрига яшириб турганда ўлим!**

* * *

**Мен онамни ерга экдим,
Вужудимдан оқар титроқ.
Мен отамни ерга экдим —
Сен қаддингни кўтар тупроқ.
Йиғламадим юзим тирнаб,
О, баландлаб кетди бу ғам.
Оёғимдан чирмаб-чирмаб,
Мени ташлаб кетди оғам.
Тентирадим аро йўлда,
О, бу йўллар тентиради.
Мени бир кун Сизникига —
Буюк ғамлар келтиради...
Мен онамни ерга экдим,
Мени қўйиб юбор титроқ.
Мен отамни ерга экдим —
Сен қаддингни кўтар тупроқ.**

* * *

**Айланиб юрибман
ўз атрофимда,
Дунёга эргашиб
бесўз, беозор.
Ҳатто ит бўлишни
қилмадим удда —
Ахир, мени итдан
нима камим бор?!
Увлашни биламан —
Кўтариб бошга,
Осмоннинг остида
пилдираб, елиб.
Ҳар замон қоқилиб
тушаман тошга,
Ҳар замон йиғлайман
ўзимга келиб.
Бундан берисига
Ўтмайди тишим —
Умрим ҳам етмайди
Энди итгача.
Ахир ит бўпти-ку
битта танишим,
Фақат вовуллаши бошқача.**

*— Ўлан айтсанг, туя миниб!..
Гўзал қизни мингаштириб!..*

Кино

ТОМОШАБИННИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Видеоижарада нима гап?

Отабек РУСТАМБЕК ўғли

Тирикчилик важидан “кинофурушлик” қилаётган гапга чечан, фикрлари теран, бир сўз билан айтганда, замонавий ёшларимиздан Алишербек Қўқондаги видеоижаралардан бирида ишлайди. Видеоижаралар эса, ўзингизга маълум, деярли барча шаҳар ва туманларимизда фаолият кўрсатмоқда. Алишербек билан суҳбатимиз асосан бугунги кунда қандай кинофильмлар “харидоргир” деган саволдан бошланди.

Телевидение орқали ҳар куни камида учтагача кинофильм намойиш этилишини биласиз. Аммо кўпчилик киноишқибозлар видеоижараларга мурожаат қилишади.

Видеоижарахоналарда видеокассеталар жанрларига кўра тартиб билан терилганини, тез-тез алмаштирилиб туриладиган фильмлар рўйхатини кўргансиз. Хуштакаллум ёш суҳбатдошимдан кимлар, қандай фильмларни, қай пайтда олишади, қайси жанрдаги фильмларнинг харидори кўп, деб сўрайман.

— Видеоижарамиз аҳолига турли хил видеофильмлар етказиб бериш билан шуғулланади, — дейди у. — Фаолиятимиз хусусий тартибда бўлиб, “мижоз”ларнинг талаб-таклифларига қараб иш юритишга ҳаракат қиламиз. Ижарамиздаги кинофильмлар эса ҳар хил жанрларда, уларни турли ёшдаги ва савиядаги кишилар танлаб олишади. Биз харидорларнинг талабларига мос фильмларни топиб беришга ҳаракат қиламиз. Одамларнинг диди ҳар хил. Кимга комедия, кимга жангари, кимга эса психологик жараёнларга бой фильмлар ёқади. Хоҳиш ва талаблар кўпроқ чет эл, айниқса, АҚШнинг Голливуд кинокомпаниялари маҳсулотларига тушади. Лекин ўзбек, ҳинд ва рус киноларини сўровчилар ҳам бисёр. 1999 йили “Матрица”, “Мўмиё” фильмлари, ўтган йили “Гладиатор” ва “Ватанпарвар” фильмларининг харидори кўп бўлди. Бу фильмлар Америка киноакадемиясининг “Оскар” мукофотини олган. Иккинчидан, санъаткорона ва техник жиҳатдан жуда яхши ишланган. Ҳозирги кинотомошабинни алдаб бўлмайди. Дид билан танлаб кўришади. Бадиий жиҳатдан маромига етмаган, техник жиҳатдан бўш фильмлар бир марта кўрилади, холос, кейин уларни биров эсламайди ҳам...

Ўзимизда суратга олинган фильмларга “мижоз”ларнинг муносабати қандай, деб сўрайман суҳбатдошимдан, видеокассеталар қаторидан ўрин олган йигирмага яқин ўзбек фильмларига ишора қилиб.

— Ўзбек фильмларини ҳам иложи борича кўпайтириб, тарғиб-ташвиқ қиламиз. Лекин тўғрисини айтиш керак, бир неча фильмни айтмаганда, томошабинларнинг аксари ҳали уларга унчалик қизиқишмайди. Масалан, “Алиф-Лайло”, “Оҳ, Истанбул-Истанбул”, “Олтин девор” фильмлари деярли қизиқиш уйғотмади. “Кичкина табиб”, “Шайтанат”, “Занжир”, “Чимилдиқ”, “Яратганга шукр” фильмлари кўплаб томошабинларга манзур бўлди. “Алпомиш”, “Чаёнгул”, “Паримомо” фильмларининг видеотасмадаги ёзуви қачон етиб келади, билмайман. Худо хоҳласа, бу фильмларга харидорларнинг талаби кўп тушади, — дейди суҳбатдошим.

Суҳбатдошим таъкидлаган “Кичкина табиб”, “Чаёнгул” каби фильмлар халқимизга манзур бўлишига сабаб, уларнинг мавзуи оддий ва абадий меҳру муҳаббат ҳақида эканида, деб ўйлайман. “Кичкина табиб”да инсоний туйғулар оддий ва самимий ифодаланган бўлса, “Чаёнгул” ноинсоний тарздаги севги изҳорининг фожеали якуни хусусида. Ҳар иккала фильмда ҳам миллий руҳ ёркин акс этиб, замондошларимиз қиёфаси тасвири таъсирчан чиққан.

Видеоижараларимиз тўридан ва кўпчилик киномухлисларнинг “қалб қўридан” жой олган Голливуд кинолари-чи? Мисол учун, муҳаббат ҳақидаги энг яхши фильмлар сирасига киритилган Ричард Гир ва Жулия Робертс ижросидаги “Ойимтилла” (“Красотка”) ва “Қочоқ келин” фильмларини олайлик. Муҳаббат рамзи сифатида реклама қилинган “Ойимтилла”да бир фоҳиша аёлнинг бадавлат эркак билан севги можароси, “Қочоқ келин”да эса ўзи ҳам билмайдиган сабабларга кўра тўрт марта никоҳ маросимидан қочган “келинпошша”нинг саргузаштлари тараннум этилади... Бир сўз билан айтганда, голливудча “демократик муҳаббат”. Бизнингча эса, “бироз ҳаёсиз, бироз тийиқсиз” ишқбозлик. Суҳбатдошим Леонардо Ди Каприо ижросидаги янги “Пляж” фильмини тушунарсиз деб баҳолади. Бу фильм ҳақиқатдан ҳам “мижоз”лар, бизнинг томошабинлар эътиборини тортмаган. Сабаби, бизга “тушунарсиз” фильм замирида жамиятдан безган йигитнинг “жаннат ороли”ни қидириши ва бу орзусининг саробга айланиши соф ғарбча йўсинда талқин этилган. Бу каби киноасарларда талқин этилган севги ва унинг инсон тақдиридаги ўрни масаласи шарқ кишисининг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқарашига бегона.

Кейинги пайтда олинаётган бизнинг фильмларимизда, хусусан, “Кичкина табиб” ёки “Чаёнгул”да тасвирланган муҳаббат соф миллий руҳга йўғрилгани учун ҳам ўзбек кинотомошабинини ўзига жалб эта олди. Режиссёр С.Назармуҳамедовнинг фильм қаҳрамонларини топиб танлагани, актёрларнинг моҳирона ижроси, қолаверса, сценарий, режиссура ва ижронинг муваффақияти шундай самарани таъминлади.

Бироқ суратга олинаётган аксарият муҳаббат мавзуидаги фильмларимиз “Ўтган кунлар”, “Армон”, “Севги”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори”, “Чаёнгул” каби эътибор қозона олмади. Томошабин ўзбек бўлгач, оила билан ўтириб кўрадиган, ўзбекча ҳаракат қилиб, ўзбекча ўйлаб, ўзбекча гапирадиган қаҳрамонни экрандан қидиради-да.

Жаҳон киносанъатини ҳеч камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, ўзбек кинотомошабини миллий кино асарларни соғинган. Халқимизнинг қадим анъаналари барқ уриб турган, одобу андиша, ор-номус тушунчалари улуғланган фильмларга ташна. Ана шундай фильмлар ўзимизга муборак бўлсин!..

Обуна — 2002

“МУЛОҚОТ” МУЛОҚОТГА ЎРГАТАДИ

“Мулоқот” журнали ўз ўқувчилари билан фикран мулоқот қила бошлаганига ҳам ўн йил тўлди. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилдан чиқа бошлаган журнал ҳаётда ўз ўрнини ва ўқувчиларини топди. Журнал ижодий жамоаси муштарийлардан келаётган кўплаб мактублар асосида уни янада сермазмун, ҳозиржавоб, ҳаётий муаммоларга жиддий эътибор қаратган ҳолда изланишларни давом эттирмоқда.

Журнал нашр этила бошлаганидан бошлаб миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Мамлакатимиз Президентининг миллий мафкурага катта эътибор қаратаётганлигини ўз вақтида англаб етган “Мулоқот” илк сонларидан бошлаб, айтиш мумкинки, шу пайтгача нашр этилган барча сонларида ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу мавзуга бағишланган илк мақолаларнинг муаллифлари академиклар Ҳайдар Пўлатовдан (марҳум) тортиб, Бўрибой Аҳмедов, Азиз Қаюмовлар бошлаб беришган бўлса, кейинчалик уни Ҳамид Зиёев, Исо Жабборов, Қўчқор Хоназаров, Ҳайдар Алиқулов, Комил Юсупов, Абдувосит Йўлдошев каби олимларимиз ўз чиқишларида давом эттиришди.

“Мулоқот” журнали халқимиз маънавиятини бойитиш, қадриятларимизни тарғиб қилиш борасида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Журнал шу куннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, таълим-тарбияга оид муаммоларни дадил кўтариши билан бирга маданий ва тарихий меросимизни бугунги кун нуқтаи назаридан туриб ёшларимиз онгига сингдиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билади.

Ўзининг ўн йиллиги муносабати билан “Мулоқот” қатор сонларида ўз муштарийлари билан сўровлар ёрдамида мулоқотга киришиб, эндиликда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаб олди. Масалан, журналнинг биргина 2001 йил учинчи сонидаги таниқли файласуф олим Қўчқор Хоназаровнинг “Ўзбек фалсафаси борми?” деб номланган мақоласи ўзининг илмий асосланганлиги, фалсафий мушоҳадага бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олим қадимги хитой, ҳинд, юнон-рум, инглиз, фаранг, олмон фалсафалари қатори ўзбек фалсафасининг ҳам қадимийлигига эътиборни қаратиб, бугунги кунда уни алоҳида силсила асосида яратишнинг вақти келганлигига урғу беради. “Авесто”дан бошланиб, Зардушт томонидан бир бутун тизим ҳолига келтирилиб, Моний ва Маздаклар томонидан давом эттирилган. Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларида ўзининг юксак чўққиларига кўтарилган Навоий, Бобур, Машраб, Аҳмад Донишлар орқали Беҳбудий ва Фитратларгача етиб келган ўзбек миллий фалсафасининг бир бутун силсиласини юзага келтиришимиз зарур”, — деб ёзади олим. Шунингдек, у яратилажак ўзбек фалсафасида нималарга эътибор бериш лозимлигига алоҳида тўхталади.



Журнал саҳифаларидаги бундай дадил чиқишлар “Шарқ алломалари”, “Буюк мутасаввифлар”, “Маърифат булоқлари”, “Муқаддас китоблар”, “Табаррук шаҳарлар” каби рукнларда сонма-сон давом эттирилган. Шунингдек, одоб-ахлоққа, жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланган мақолалар чоп этилган.

Азиз муштарийлар! Сиз агар 2002 йил учун “Мулоқот” журналига обуна бўлиб, унинг ҳар бир сони билан танишиб борсангиз, албатта, ўз маънавий дунёнгизга нимадир қўшган бўласиз. Унга ўз вақтида обуна бўлсангиз, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз, чунки журналимиз обуначилар учун бирмунча арзон. Эркин савдога эса чекланган миқдорда чиқади. Энг қулай имконият — унга ўз вақтида обуна бўлиш.

Журнал йил давомида 6 марта чиқади. Унинг нашр кўрсаткичи /индекси/:
Якка обуначилар учун — 844,
Ташкилотлар учун — 845.

**Нормўмин ОЧИЛОВ,
журнал бўлим мудири**

ОВОЗА

Энг серғалва футболчи Диего Марадона 40 ёшгача тўп сурди, мана, бугун 41 га тўлиб, 41 ига чидолмади шекилли, футбол билан хайрлашмоқчи.

***Суюкли қизимиз Иродахон!
Туғилган кунинг муборак бўлсин!
Доимо гўзал, ақлли бўлиб, кулиб юргин.
Битмас-туганмас бахт-саодат сенга ёр бўлсин. Ўқиш ва ишларингда омад тилаймиз.***

Азимовлар оиласи

G‘uncha

BOBO VA NABIRA

Dostonjonning bobosi Rayimjon ota ertametandan bir nimasini yo‘qotgandek karaxt bo‘lib qoldilar. Darvoqe, nabirasi Dostonjon maktabga ketgan. Nuqul “xumorbostim” deb yonlarida olib yurardilar. Faromushliklari shundan. Nailoj, Dostonjon ham endi ishlik odamga o‘xshab qoldi. Ko‘nikish kerak.

Boboning yodlariga nimadir tushdi shekilli, chakkasini qashib, kulib qo‘ydilar. O‘zlariyam bir vaqtlar birinchi sinfga borgan edilar-da. Eslasalar g‘alati bo‘lib ketadilar. Yalang oyoq, yalang bosh. Na qalam, na daftar degandek — quppa-quruq. Yuragida hadik va qo‘rquv. Axir quloqning bolasisan deb o‘qiydiganlar qatoriga yozishmagan edi-da. U bo‘lsa uydagilarga aytmay, bekinib bo‘lsayam bordi. O‘qituvchining ikkita savoliga burro-burro qilib javob bergach, o‘qishga olishga majbur bo‘lishdi.

Bobo o‘z bolaligini o‘ylar ekan, Dostonjonning bolaligi ko‘z oldidan o‘tardi. Ha, to‘yboladek po‘rim bo‘lib ketdi. Qo‘lida Prezident bergan papka. Ichida kitob-daftarlarigacha badastir. E, ha, xo‘p zamonlar bo‘ldi-da...

Bobo Dostonjonni eslagan sari kishi bilmas hayajonlanardi. Maktabda o‘zini qanday tutayaptiykin? Yotsiramayaptimikin? Har qalay birinchi kun birinchi kun-da!

Dostonjon tushga yaqin maktabidan qaytdi. Bobo bilan nabira so‘rida o‘tirib tushlik qila boshlashdi. Bobo “xo‘sh, toy bola, taassurotlar qalay?” deb endi so‘ramoqchi bo‘lib turgandi, Dostonjonning o‘zi gap boshlab qoldi.

— Bobojon, sizam birinchiga borganmisiz?

— Borganman, nimaydi?

— Sizam birinchi kuni “5” olganmisiz?

— Olgandirman-da, bo‘lmasa meni o‘qishga olishmagan bo‘lardi.

— Sizdanam Vatan nomini ayt deb so‘raganmi?

Bu savoldan bobo kulib yubordilar-da:

— Ha-ha, baayni shunday deb so‘ragan edi o‘qituvchim. SSSR deganman. Poytaxtichi, degan — Moskov deganman. Keyin o‘qishga olgan.

Dostonjon kulib yubordi-da:

— E, bobojon, Siz besh emas, qoyillatib “2” olgan ekansiz.

— Nimaga endi, — norozi bo‘ldi bobo.

— Axir Vatanimizning nomi O‘zbekiston, poytaxtimiz ham unaqamas — Toshkent-ku, bobojon. Men shunaqa dedim. Keyin o‘qituvchimiz bahong “5” dedi.

Bobo nabirasiga havas bilan tikildilar-da, xo‘rsinib qo‘ydilar... Keyin:

— Shu kunlarga yetkazganiga shukr, — dedilar.

Erkin MALIK